БУТУН ДУНЬЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 74

22 МАЙ ШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин.

Яшасин Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги — украин ва рус халқларининг, Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг улуғ миллий байрами!

Халқлар дўстлигининг улуғ байрами

Коммунизм қураётган қаҳрамон совет халқи Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини буюк тарихий воқиа сифатида, украин ва рус халқларининг ҳамда Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг катта миллий байрами сифатида нишонламоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари бу улуғ байрамни халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришда янгидан-янги ғалабаларга эришаётган, ижодий кучлари барқ уриб гуллаб-яшнаган ва меҳнат ғайрати мислсиз ошган бир вазиятда зўр шодлик блан кутиб олмоқдалар. Икки буюк ва қардош халқнинг юбилейи ўтказилаётган ҳозирги шодиёна кунларда Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва халқимизнинг улуғ бирлиги, мамлакатимиздаги барча социалистик миллатларнинг қардошларча бузилмас дўстлиги айниқса ёрқин намоён бўлмоқда. Бу дўстлик кўпмиллатли давлатимиз енгилмас кучларининг манбаи, қардош совет республикалари эришаётган барча муваффақиятларнинг гаровидир. Бу дўстлик Ватанимиз халқларининг ажнабий босқинчиларга қарши, чор самодержавиесига ва помешчик-капиталистик зулмга қарши биргаликда олиб борган курашида вужудга келди ва мустаҳкамланди.

Украинанинг Россия блан қайта қўшилганлиги украин халқининг ажнабий золимларга қарши, ягона Россия давлатида рус халқи блан бирлашиш учун кўп асрлар мобайнида олиб борган курашининг бахтли якуни бўлди. Украин халқи 1648—1654 йиллардаги озодлик урушида машҳур саркарда ва отоқли давлат арбоби Богдан Хмельницкийнинг раҳбарлиги остида ўз ватанини четэл босқинчилардан озод қилиш, қардош рус халқи блан қайта қўшилиш учун қаҳрамонона кураш олиб борди. Богдан Хмельницкий украин халқининг улуғ рус халқи блан маҳкам иттифоқ бўлиш йўлидаги интилишини ифода этиб, Украина давлатининг тузилиш процессига етакчилик қилиб, бу давлатнинг вазифалари ва истиқболларини тўғри англади, украин халқининг нажот йўли унинг улуғ рус халқи блан бирлашувида, деб билди. Богдан Хмельчицкий раҳбарлиги остида чақирилган Переяслав Радасининг 1654 йил 8 (18) январьда Украинани Россия блан қўшиш тўғрисидаги тарихий қарори бутун украин халқининг буюк рус халқи блан қардошларча дўстликда, ягона оилада яшашга бўлган якдил хоҳишни ифода этди ва украин халқининг ҳаётида бурилиш даври бўлди. Украин халқи ўша вақтдаёқ ўз тақдирини қон-қардош рус халқи блан абадий боғлаб, шу блан ўзини миллат сифатида омон сақлаб қолди. Ўша вақтдаёқ украин ва рус халқларининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янада ривожланиши учун мустаҳкам асос қўйилган, украин халқи улуғ рус халқини доимо ўзининг ишончли ҳимоячиси ва иттифоқчиси деб билар эди.

Чоризмнинг, рус ва украин феодалларининг реакцион сиёсатига қарамай, икки буюк славян халқининг бир даврдатта бирлашганлиги умумий ички ва ташқи душманларга қарши биргаликда кураш олиб боришнинг ягона тўғри йўлини танлаган Россия ва Украина халқларининг қардошларча дўстлик алоқаларини мустаҳкамлади. Дунёда энг революцион Россия пролетариатининг ва унинг жанговар авангарди — Коммунистик партиянинг тарихий майдонга чиқиши рус, украин халқларининг ва Россиядаги бошқа барча халқларнинг шундан кейинги тараққиёти учун ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлди.

Коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширилган Улуғ Октябрь социалистик революцияси тарихда биринчи бўлиб миллий зулм қишанларини парчалаб ташлади, мамлакатимиз халқлари орасидаги адоват ва душманликка барҳам берди, Коммунистик партия СССР халқларини ягона, қардош оилага жипслаштирди, тенг ҳуқуқли халқларнинг бузилмас дўстлигини чиниқтирди. Жамиятимизнинг раҳбар ва етакчи кучи бўлган шонли Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг вужудга келтирилганлиги мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлиги ва бирлиги учун курашда эришилган буюк ғалаба бўлди.

Кўпмиллатли ва кўпмиллионли совет халқи Совет Иттифоқи составида тургани учунгина ўз давлатини, социалистик экономикаси ва маданиятини қуришда оламшумул-тарихий ғалабаларга эришди. Бутун мамлакатимиз блан бирга ўзининг миллий байрамини нишонлаётган украин халқининг экономикаси ва маданияти ҳам СССР халқларининг дўстона оиласида мавж уриб юксалмоқда. Совет Украинаси ҳартарафлама тараққий этган ва ҳозирги замон техникаси блан қуролланган саноатга, йирик, механизациялаштирилган қишлоқ хўжалигига, шаклан миллий ва мазмунан социалистик илғор маданиятга эга бўлган қудратли индустриал—колхоз республикасига айланди. Совет Иттифоқининг тобора ўсиб бораётган қудратига, буюк рус халқи ва СССРдаги барча халқларнинг қардошларча ёрдамига таяниб, Совет Украинаси уруш жароҳатларини тез вақт ичида тугатди ва урушдан кейинги йилларда социалистик экономика ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришди. Украина саноати ўз салмоғига кўра СССР экономикасида муҳим ўринни эгаллайди. КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг тарихий қароларидан илҳомланган Украина колхозчилари, МТС ва совхозларнинг ходимлари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун курашмоқдалар. Украина фани ва сан'ати барча СССР халқларининг маданияти блан, биринчи ғалда украин халқига яқин бўлган қардош рус халқининг энг илғор маданияти блан узвий боғланган ҳолда ривожланмоқда.

Халқлар қардошларча дўстлигининг буюк ҳаётбахш кучини, Коммунистик партия олиб бораётган ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг тантанасини Совет Ўзбекистони мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари чор Россиясининг қолоқ ва энг чекка ўлкаларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон эндиликда иқтисодий ва маданий қурилишда жуда катта муваффақиятларга эришиб, Коммунистик партиянинг етакчилигида зўр ишонч блан коммунизм йўлидан олға бормоқда.

Улуғ рус халқи — СССР халқлари дўстона силасининг улкан оғасидир. Ўнинг холисона ва ҳартомонлама бераётган ёрдами СССРдаги барча халқларнинг хўжалик ва маданий тараққиётида жуда катта роль ўйнади ва ўйнамоқда. Илгари қолоқ бўлиб келган чекка ўлкалар шу ёрдам туфайли қисқа муддат ичида гуллаб-яшнаётган социалистик республикаларга айландилар.

Ҳур республикалар бузилмас союзин Ўюштирди мангу Улуғ Рус халқи.

Қон-қардош бўлиб кетган барча совет халқлари улуғ рус халқи раҳбарлигида, у блан биргаликда коммунистик жамиятнинг мўҳташам биносини барпо этмоқда. Улуғ рус халқидан яшаш, курашиш ва ғалаба қилишни ўрганган барча совет халқлари ўзларининг бутун куч ва ижодий ғайратларини ана шу бинони барпо этишга сафарбар этмоқдалар.

СССР халқларининг қардошларча дўстлиги бузилмас ва енгилмас улуғ дўстликдир. Бу дўстлик СССР халқларининг граждан ўруши ва Улуғ Ватан уруши йилларида тўккан қонлари блан мустаҳкамланди. Бу дўстлик мамлакатимизда социализм қуриш йилларида умумий ижодий меҳнат ва ўзаро ёрдам блан метиндек мустаҳкамланди. Бу дўстлик совет халқларининг коммунизм учун биргаликда олиб бораётган қаҳрамонона курашларида янада мустаҳкамланмоқда.

«СССР халқлари ўртасидаги дўстлик, — деган эди И. В. Сталин, — катта ва **жиддий ғалабадир. Чунки, бу дўстлик яшар экан, мамлакатимизнинг халқлари озод ва енгилмас бўлиб қоладилар. Бу дўстлик давом этар ва яшар экан, бизга ҳеч ким — ички душманлар ҳам, ташқи душманлар ҳам ҳавфли бўлмайди».**

Улуғ Ватанимиз кучи ва қудратининг манбаи — СССР халқларининг бузилмас дўстлиги омон бўлсин ва мустаҳкамлансин!

Яшасин Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги — украин ва рус халқларининг, Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг улуғ миллий байрами!

Маркс — Энгельс, Ленин — Сталин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

ССР Иттифоқи Мудофаа Министрининг БУЙРУҒИ

1954 йил 22 май № 75 Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

ССР Иттифоқи Қуролли Кучларининг шахсий состави бутун совет халқи блан биргаликда Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини буюк тарихий воқиа сифатида, украин ва рус халқларининг ҳамда Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг катта миллий байрами сифатида нишонламоқда.

Сизларни умумхалқ байрами — Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги блан табриклайман.

СССР халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги шарафига **буюраман:**

23 майда Совет Украинасининг пойтахти Киевда, Харьков, Переяслав-Хмельницкий шаҳарларида, Львовда ва қаҳрамон шаҳарлар — Севастополь ва Одессада қўшинларнинг паради ўтказилсин ҳамда тўплардан бирйўла йигирма марта ўқ узиб салют берилсин.

30 майда Ватанимизнинг пойтахти Москвада қўшинларнинг паради ўтказилсин ва тўплардан бирйўла йигирма марта ўқ узиб салют берилсин.

Яшасин Улуғ Ватаниимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин кўпмиллатли социалистик давлат куч ва қудратининг манба'и — мамлакатимиз халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик!

Яшасин ва мустаҳкамлансин тинчликни ҳамда Ватанимизнинг хавфсизлигини қўриқлаб турган ва шон-шуҳратларга тўлган Совет Қуролли Кучлари!

Яшасин Совет Ҳукумати!

Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг илҳомлантиручи ва раҳбарлик қилучи буюк кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

ССР Иттифоқи Мудофаа Министри
Совет Иттифоқи Маршали Н. А. БУЛГАНИН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент шаҳридаги 76-нчи мактабни ва Театральная кўчасини Богдан Хмельницкий номига қўйиш ва Тошкент шаҳри Узбекистанская кўчасидаги майдонни Тарас Шевченко номига қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

Тошкент шаҳридаги жамоат ташкилотлари ва шаҳар меҳнаткашларининг илтимоси қондирилиб, Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини нишонлаш учун 76-нчи мактаб ва Театральная кўчаси Богдан Хмельницкий номига, Узбекистанская кўчасининг САГУ химия факультети биноси олдидаги майдон Тарас Шевченко номига қўйилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1954 йил 20 май.
Тошкент шаҳри.

„Украина куйлайди“

Бепоён далаларда, кекса Днепр устида, Украинанинг қишлоқ ва шаҳарларида жонажон Коммунистик партия ҳақидаги улуғвор қўшиқ жаранглаб эшитилади. «Украина куйлайди» деган янги рангдор фильм-концерт ана шу қўшиқ блан бошланади.

Экранда — Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишлаб Киевда ўтказилган халқ талантлари республика кўригининг қатнашчилари кўрсатилади.

Фильм Ф. Макивчук ва Л. Горохнинг сценарияси бўйича режиссёрлардан В. Лапокниш ва Т. Левчук томонидан қўйилган.

20 майда СССР Маданият министрлигида кинокартинага жамоат кўриги бўлиб ўтди. Яқинда фильм мамлакат экранларига чиқарилади. (ТАСС).

Ғафур ҒУЛОМ.

ОНА ДЕРЖАВАМИЗ

Она Державамизнинг қуёшдай э'тибори
Бир жаҳон олам халқин қалбига солур жило!..
Яна янги кун туғиб, яна кўнгил ғубори —
Олмосқумла артилган кўзгу каби мусаффо.
Эртаги тонг яна ҳам равшанроқ-яқинроқдир
Ҳар битта тонготарнинг файзи бор, шукуҳи бор.
Ҳар қуёш уйғониши бахтимизга байроқдир
Яна янги кун туғди, яна кўнгил бегубор.
Ўртада нон ҳаққи бор, туз ҳаққи бор, дўстларим,
Энг кичик қизим исми биласизки Наташа.
Рус оғам раҳбар бўлиб ҳамма каму-кўстларим —
Бартараф бўлиб кетди; Рус халқи мангу яша.
Ҳатто булут қон тортди катта мусибат чоғи
Улуғ оға жон чекиб очаолди қучоғин.
Ватан озодлигида минглаб ўзбек йигитга
Нону тузин татитди Украина ўчоғи.
Қондош-қариндошларим, қандай ше'р ёзсам экан,
Хурматингиз ша'нига қайси сўзим муносиб.
Меннг бутун борлигим, шу жоним ўзим блан —
Жондан ортиқроғимсиз! Шу ше'рим борсин етиб...
Улуғ партиямизнинг ғолиблик шарафига
Улуғ Ленин номига чиқаверсин офтоб.
Ўзбекдан салом бўлсин Украина тарафига
Халқлар биродарлиги ленинча ўлмас китоб.

Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги шарафига

ТБИЛИСИ. Грузия меҳнаткашлари Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини нишонламоқдалар.

Неча минглаб агитаторлар Сталин номли паровоз-вагон ремонт заводида, Киров станокозлик заводида, мовут фабрикасида ва Грузия пойтахтидаги бошқа корхоналар ҳамда қурилишларда тарихий кун тўғрисида суҳбат ўтказмоқдалар. Олий ўқув юртларида илмий сессиялар ташкил этилмоқда.

Маданий-оқартув муассасаларида Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг тарихини, рус, украин халқлари ва СССРдаги бошқа халқларнинг бузилмас дўстлигини тасвирловчи виставкалар очилди.

Клублар, маданият уйлари ва театрларда байрам кечалари ҳамда концертлар баланд руҳ блан ўтмоқда. Тбилисида Гупул ашула ва рақс ансамблининг концертлари завқ блан тамоша қилинди. Грузия филармонияси концертлар қўйиб берди. Бу концертларнинг программасида рус ва украин композиторларининг асарлари, Совет Украинаснинг гуллаб-яшнаганлиги тўғрисидаги халқ қўшиқларни ва ше'рлар бор.

Республика театрлари байрам спектакльларини тайёрладилар. Тбилисидаги З. Палиашвили номли опера ва балет театрида К. Данькевичнинг «Богдан Хмельницкий» операси муваффақият блан саҳнага қўйилмоқда. К. Маджанишвили номли драма театрида В. Минкоинг «Фамилиясини айтмасдан» пьесаси саҳнага қўйилди. Телав ва Загдид театрлари А. Корнейчукнинг «Плотон Кречет» пьесасини кўрсатдилар.

* * *

ЕРЕВАН. Степанаван районидаги Калинино қишлоғи тоғлар орасида жойлашган. Буердаги ҳушманзара Лорий тоғ этагида арманлар, руслар, украинлар ва озарбайжонлар дўстона яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Ана шу узоқ қишлоқнинг аҳолиси Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини байрам қилмоқда. Қишлоқдаги маданият уйининг театр коллективи И. Карпенко-Карийнинг «Бестилоннная» номли пьесасини украин тилида саҳнага қўйди.

Барча завод ва колхоз клубларида, шаҳар ва қишлоқ кутубхоналарида, маданият уйларида виставкалар очилди. Бу виставкалар украин халқининг ажнабий босқинчиларга қарши олиб борган қаҳрамонона курашини, украин халқининг Совет Иттифоқидаги халқлар блан дўстлигини тасвир этади.

Меҳнаткашлар депутатлари Ереван, Ленинакан, Кировакан шаҳар Советларининг тантанали мажлислари ва жуда кўп кечалар ана шу тарихий кунга бағишланди.

* * *

ФРУНЗЕ. Қирғизистон шаҳар ва қишлоқларининг аҳолиси украин сан'ати ва адабиётига ғоят қизиқиб қарамоқда. Фрунзедаги ва область марказларидаги театрларда Т. Шевченко, А. Корнейчук, В. Минко, В. Собконинг пьесалари муваффақиятли саҳнага қўйилмоқда. Бирқанча бадиий ҳаваскорлик коллективлари «Запорожьели Дунай орқасида» «Палтавали Наталка», «Платон Кречет» спектакльларини ва бошқа асарларни кўрсатмоқда.

Қирғиз китобхонлари юбилей кунлари муносабати блан Т. Шевченко, И. Франко, Леся Украинканинг ва қардош республикалар ёзучиларининг асарларини ўз она тилида ўқишга муваффақ бўлди.

* * *

ОДЕССА. Одесса композиторлари Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини ижодий муваффақиятлар блан нишонламоқдалар. Композиторларнинг янги асарлари парклларда, область филармонияси ва консерваториянинг концерт залларида, шаҳар клубларида ўтказилаётган юбилей концертларининг программасига киритилди.

Маҳаллий композиторларнинг байрам муносабати блан меҳнаткашлар олдида ўтказиладиган ижодий ҳисобот концертларида катта музика асарлари, солистлар учун хор ва оркестр учун ёзилган ҳамда музика жамоатчилиги томонидан тақдирланган кантаталар ижро этилади.

БОГДАН ХМЕЛЬНИЦКИЙ ХОТИРАСИГА ЎРНАТИЛГАН ҲАЙКАЛ ОЧИЛДИ

ХЕРСОН, 20 май. (ТАСС). Кеча шаҳарнинг Театр майдонида отоқли давлат арбоби ва саркарда Богдан Хмельницкий хотирасига ўрнатилган ҳайкал тантанали вазиятда очилди.

Бу ҳайкал Богдан Хмельницкийнинг уч метр баландлигидаги гранит скульптураси бўлиб, гранитдан ясалган баланд постаментга ўрнатилди.

Меҳнаткашлар ҳайкал тагига гулчамбарлар қўйдилар.

Украина ва Ўзбекистон сан'аткорларининг буюк дўстлиги

Ҳалима НОСИРОВА,
СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати

Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашлари Украинанинг Россияга қайта қўшилишининг 300 йиллигини зўр тантана блан нишонлаётган шодиёна шу кунларда Украина саҳна усталарининг Ўзбек сан'аткорларига кўрсатган самимий биродарона кўмаклари ёдимга тушиб кетади.

Украина сан'ати Ўзбекистонга Ўрта Осиё Россияга қўшилган даврларданоқ илғор рус маданияти блан бирга кириб келабошлади. Бу дўстона маданий алоқалар Совет ҳокимияти йилларида яна ҳам ривожланди.

Украина хор ансамбльлари, халқ чолғу асбоблари оркестрлари, театр коллективларининг Ўзбекистонга гастрольларга келишлари бу икки халқ ўртасидаги дўстликнинг яққол намойишига айланади.

Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистонга кўчиб келган Иван Франко номли украин давлат академик театри, Тарас Шевченко номли Днепропетровск театрининг ижодий коллективлари республикамиз меҳнаткашларига И. Франконинг «Ўғирланган бахт», И. Котляревскийнинг «Полтавали Наталка», А. Корнейчукнинг «Богдан Хмельницкий», «Украина қирларида», «Ҳақиқат», М. Старицкийнинг «Маруся Богуславка» ва бошқа асарларини кўрсатди. Украннали сан'аткор дўстларимиз Ўзбекистон театрларининг ижодий коллективларига «Полтавали Наталка», «Запорожьели Дунай орқасида» каби пьесаларни саҳнага қўйишда катта ёрдам берди. Ўзбек театр ходимлари Гнат Юра, А. М. Бучма, Н. М. Ужвий, М. М. Крушельницкий, Л. Н. Ревуцкий, А. П. Юрский ва бошқаларнинг ҳамкорликлари ҳамда самимий ёрдамларини унутмайдилар.

1952 йилда А. И. Петросянц раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри блан кўпгина ўзбек сан'аткорлари қаторида мен ҳам жонажон Украинага бордим. Украин халқи ўзбек халқининг сан'атини зўр қизиқиш ва қувонч блан қарши олди. Киев, Одесса, Харьков, Львов меҳнаткашлари, Каховка, ГЭСи қуручилари, бутун Украина халқи «Роҳат», «Қашқарча» каби ўзбек халқ куйларини, Ўзбекистон композиторларининг қўшиқларини самимий кутиб олди.

Бу маданий алоқаларнинг кучайиши халқларимиз ўртасидаги бузилмас дўстликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Украинча қўшиқлар репертуаримдаги энг севикли номерларимдандир. Булар орасида «Ой казала мени мати», «Ой но свыты мисяченьку» ашулаларини ижро этар эканман, украин халқининг ғўзал куйларини ўзбек халқига етказганлигим учун қувонч туйғуларига тўлиб тошаман. Рус, украин ва Совет Иттифоқидаги барча биродар, дўстона халқларнинг ўзаро маданий алоқалари бу халқлар маданиятининг ривожланишида шубҳасиз асосий омиллардан биридир.

Москва, Кремль.

Киев. Украина ССР Олий Совети Президиумининг биноси.

Киевда Богдан Хмельницкий хотирасига ўрнатилган ҳайкал.

1654 Москва блан, улуғ рус эсалқи

Украина олимларининг ёрдами

Т. ЗОҲИДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти.

Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари Ватанимизнинг барча халқлари блан биргаликда Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини зўр қувонч блан нишонламоқдалар ҳамда дун'ё маданияти хазинасини, фан, маданият ва сан'ат соҳасини ажойиб янгиликлар блан бойитаётган украин халқи блан мустаҳкам алоқада, ҳамкорликда бўлганликлари учун фахрланмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам украин олимлари ўтмишда Россияда прогрессив фан тараққиётига самарали та'сир кўрсатдилар.

Ўзбекистон олимлари қардош украин олимларининг республикамизда фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида кўрсатган олижаноб ёрдамларини ҳамавақт фахрланиб тилга оладилар. Чунки Украина ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси В. М. Корецкий, Сталин мукофоти лауреати В. С. Познанская, Украина ССР Фанлар академиясининг корреспондент-а'золари Я. Г. Фейгин, Н. Ф. Островерх ва Л. Е. Улицкий, шунингдек профессорлар ва техника фанлари докторларидан В. М. Постников, Т. П. Губенко ва Н. Н. Васильев республикамизда юридик, химия, экономика, энергетика фанларининг ривожланишида катта ёрдам бердилар

Бундан ташқари, Украина олимлари ўзбеклардан юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам катта ёрдам кўрсатдилар. Масалан, химия фанлари кандидати Мирзакаримов ўз кандидатлик диссертациясини украин олимлари раҳбарлигида ёзиб тамомлади ва уни Киев политехника институтининг илмий Советида ёқлади.

Украин адабиёти классиклари ва украин совет адабиёти илғор вакиллари асарларининг ўзбек тилига таржима қилинганлиги ва уларнинг республика меҳнаткашлари ўртасида ўн минглаб нусхада тарқалганлиги ўзбек халқи блан украин халқи ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг яна бир яққол ифодасидир.

Украин халқи блан ўзбек халқи ўртасидаги оташин дўстлик Улуғ Ватан урушнинг топшириғини шараф блан бажардилар. Улар украинлар ва Совет Иттифоқининг бошқа халқлари блан биргаликда улуғ рус халқининг раҳбарлигида Украина учун, Донбасс учун, Днепр ва Киев учун қаҳрамонона жанг қилдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек халқи урушнинг энг оғир йилларида Украинадан кўчирилган ўн мингларча қон-қардошларни ўз илиқ бағрига қабул қилди. Кўпгина ўзбеклар ва ўзбек аёллари ўз ота-оналаридан айрилган украин болаларининг ота ва оналари бўлиб қолдилар.

Ўзбек халқи уруш йилларида ўзи блан ёнма-ён туриб душман устидан узил-кесил ғалаба қозониш учун курашган украин ишчилари, колхозчилари, фан ва сан'ат арбобларининг Ўзбекистонга кўрсатган катта ёрдамларини эўр қонқиш блан алоҳида та'кидлайди. Қатор украин олимлари 1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясини ташкил этишда актив қатнашдилар.

Ўзбекистон олимлари бутун ўзбек халқи блан биргаликда Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллик тарихий кунини кенг кўламда нишонламоқдалар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шу йилнинг апрель ва май ойларида Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишлаб илмий сессия ўтказди. Бу сессияда совет республикаларида коммунизм қуришда халқлар ўртасидаги дўстликнинг буюк аҳамияти ҳақида бирнеча доклад тингланди.

Ўзбек олимлари шонли юбилей кунида севикли Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги улуғ дўстликнинг бундан сўнг янада мустаҳкамланиши йўлида украин олимларига янги ижодий муваффақиятлар тилайдилар.

«Москва блан, рус халқи блан абадий биргамиз».

Украина рассоми М. И. Хмелько чизган картина.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Бугун, мамлакатимиз ҳаётида тарихий кун — қардош республикамиз — жонажон Украинанинг Россия блан қайта қўшилганига 300 йил тўлиш кунини барча совет халқлари блан биргаликда шодиёна байрам қилмоқдамиз.

Заводимиз ишчи ва хизматчилари, инженер-техник ходимлари бу улуғ кунни гуллаб яшнаётган Украина саноати корхоналари коллективлари блан чинакам дўстлик, қардошлик асосида буюк ҳамкорлик алоқаларини боғлаб, ижодий меҳнат соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда нишонламоқдалар.

Заводимиз коллективи ўзлари эришган бу муваффақиятларда украин халқининг кўшган ҳиссаси жуда юксак эканлигини, меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, уларнинг таннархини камайтиришда улар кўрсатган амалий ёрдамларни ҳечқачон унутмайди.

Заводимиз янги ташкил этилганда ҳали маҳаллий кадрлар етишмас, улар қудратли техникани мукаммал бошқараолмас эдилар. Россия ва Украинадан ёрдамга келган мутахассислар — инженер-техниклар, мастерлар маҳаллий кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакаларини ошириш, фан, техника билимлари блан мукаммал қуроллантириш устида тинмай ишладилар. Т. Ашуров, Ҳамдамов, Узоқов, Жўрабеков каби завод коллективининг ҳурматига сазовор бўлган юзлаб илғор ишчиларни тарбиялаб етиштирдилар.

Шунингдек, Украина саноати корхоналарининг коллективлари заводимиз учун системали равишда хомаш'ё етказиб бермоқдалар.

Украинанинг Запарожьесталь заводи коллективи фақат биринчи кварталнинг ўзида заводимиз учун 30 тоннадан ортиқ зангламайдиган металл етказиб берди. Николаевск труба заводи коллективи нефть ўтказучи 60 тонна труба юборди. Шунингдек, Константиновск автостекло заводи аппарат ичидаги қисмларни кўришга имкон берадиган ойналар юборib турипти. Яқиндагина, Николаевскдаги «Октябрьнинг 21 йиллиги» заводи компрессорларни ёғлайдиган 85 дона насос совға қилди. Украин халқининг бу бродарлик совғалари бизни янгидан-янги муваффақиятларга илҳомлантирди. Биз қардош украин халқи юборган бу хомаш'ёлардан мамлакатимиз учун зарур бўлган аппаратлар, компрессорлар, трубалар ишлаб чиқармоқдамиз. Бу машина ва механизмлар иттифоқчи республикаларимиз саноат корхоналарига жўнатилмоқда.

Завод коллективи яқиндагина Донбасс шахтёрларига 10 дан ортиқ «В—300—2 К» маркали компрессор совға қилди. Украинанинг Ждановск механика қозонсозлик заводи коллективига, Есиновск кокс химия заводига, Сталино шаҳридаги Сталингаз трести ишчилари ихтиёрига 10 дан ортиқ «ТК—700/5» маркали труба компрессорлари жўнатилди. Артемск заводи коллективи биз юборган «ТВ—127» маркали ҳаво юбориш учун хизмат қиладиган трубаларни олганлигини хурсандлик блан хабар қилди. Шунингдек, Константиновск заводига «ТГ—136» маркали трубалар юбордик.

Украин саноат корхоналари коллективлари блан бўлган бу дўстона ҳамкорлигимиз кундан-кунга ўсиб, мустаҳкамланмоқда. Коллективимиз яқинда Городоченко, Абдуқодиров, Абрамец ўртоқларни Украинанинг Сухуми машинасозлик заводига ижодий командировкага юборди. Бизнинг мастерларимиз Сухуми машина, созлари блан ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар. Улар яратган ажойиб янгиликларни ўргандилар. Шу блан бирга уларни заводимиз эришган муваффақиятлар блан таништирдилар. Илгари Сухуми машинасозлик заводида горналар кўмир блан ёнар, кўмирларни алангалатиш учун кўп вақт сарф этилар ва бу меҳнат унумига салбий та'сир этарди. Мастер ўртоқ Городоченко заводимиз коллективи қўлланган янги метод бўйича ишлашни — горнани мазут орқали ишлатишни таклиф қилди. Украин машинасозлари бу таклифни самимий қабул қилдилар, ҳозир ҳамма горналар мазут орқали ишлаш процессига кўчирилди. Мастерларимиз ижодий командировкадан бой таассуротлар олиб қайтдилар. Ўртоқ Анорбой Абдуқодиров Сухуми заводи коллективидан ўрганган электрпайвандлаш методини ишлабчиқаришга жорий қилди ва заводимизга катта фойда келтирди.

Завод темирчилик цехининг технологи ўртоқ Григорий Коваль яқинда Киевга қилган сафаридан қайтиб келди. У Киевдаги «Большевик» заводидан ўрганган янги методини ишлабчиқаришга жорий қилди. Бу метод оз вақт ичида давлатга 150 минг сўм фойда келтирди.

Заводимиз коллективи жонажон украин халқи, украин саноати корхоналари коллективлари блан бўлган бу улуғ, бузилмас, ижодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун, улар кўрсатаётган дўстона ёрдамларга яраша фидокорона меҳнат қилиб, янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Салом жонажон украин халқи! Сени 300 йиллик улуғ тўйинг блан табриклаймиз!

Н. ПЛАТОНОВ,
«Средазхиммаш» заводининг директори.

В. ДАВИДОВ,
Завод партия ташкилотининг секретари.

К. ЖЕРЕБЧУК,
Заводнинг бош инженери

Нур АМИНОВ,
Темирчилик цехининг смена мастери.

А. ЛИТВИНЕНКО,
Қозон цехининг бошлиғи.

Адҳам РАҲМАТ

Тарас Шевченко

(Шу номли баллададан парча)

Улуғ Октябрь қуёши порлаб,
Сочди ёруғ нур барча элларга.
Ҳурлик байроғин баланд кўтариб,
Туганмас севинч тўлди дилларга.

Ҳужум бошладик озодлик учун,
Ҳужум бошладик асрий қамалга.
Жангда ога рус олдинда борди,
Халқлар орзуси ошди амалга.

Дўстлик камарин боғлашиб белга,
Иқитдик зулмат тожу тахтини.
Улуғ партия иродаси-ла,
Ололдик қўлга халқлар бахтини.

Тараснинг кутган кунлари келди,
Асрий орзулар чиқди рўёбга.
Ленин-Сталин, улуғ партия
Етиштирди бизни шу порлоқ бахтга.

Тарас биз блан туғишган, қондош,
Қараб туради очиб кўзларин.
Ўзбек эли ҳам ҳурматлар блан,
Уқийди унинг ўлмас «Кобзар»ин.

Яша, партия, жона-жонимиз,
Бизларни чексиз бахтиёр этган!
Яша, рус халқи, улуғ оғамиз,
Меҳру шафқатинг дун'ёга кетган!

Степан ОЛЕЙНИК

УЧЮЗ ЙИЛ

Жамулжам даврага марҳамат Ватан!..
Буюк қардошлик-ла кучли, улуғвор,
Байрамин нишонлар ҳур Украина,
Менинг озод юртим, севимли диёр.
Пойтахту-қишлоқлар букун куйлайди,
Азиз Москвага салом йўллайди.
Биз ога руслар-ла қағму-қондошмиз,
Учюзйиллик дўстмиз,
иттифоқдошмиз!
Қондош бирдамликни қўриқлаб ҳар он,
Тўсиқларни енгиб елкама-елка.
Бизлар улуғ Рада кунидан буён
Шу кунгача келдик у блан бирга.
Биз қўлга-қўл бериб борамиз бирга,
Жаҳонда тенги йўқ, жонажон
дўстмиз.
Ажралмас қондошмиз ога руслар-ла,
Бизлар учюзйиллик қадрдон дўстмиз!
Туз-намак, патронни кўришдик баҳам,
Бир эди бизларда тақдир-у, қисмат,
Ўнеттинчи йилда миллионларни
Партия курашга этганда да'ват,
Ортидан бордик биз жангга изма-из.
Оғамиз русларга бўлганмиз йўлдош!
Россия блан биз ажралмас дўстмиз,
Учюз йилдан буён биз иттифоқдош!
Усиб, тобламоқда бизнинг
куч-қудрат,
Латиш, қозоқ бизга қардош, қадрдон,
Бу дўстлик жангларда бўлди муқаддас,
Яшнади бизнинг бу Союз боғ симон.
Тинчлик маёғимиз кўрсатиб йўлни
Оламни ёритиб этар чароғон,
Руслар-ла дўстлашиб, ушлашиб қўлни,
Қучдик биз қувончли, шодлик, шараф-
шон.
Сен ва мен—биз букун тинчлик
қурамиз!
Меҳнатимиз илҳом, шон-ла қопланган,
Халқимизнинг порлоқ шод ойласи,
Юксалиш, интилиш сари отланган.
Бормоқдамиз доим бир мақсад сари,
Ватанни яшнатиб, этдик гулистон,
Ога-ла элтамиз халқларга тинчлик,
Қардошмиз учюз йил, қадимдан буён.
Москва, Боку ва Сталинобод —
Ватаним марҳамат дастурхонга сен!
Социализм ҳур диёри бўйлаб
Табрик саломлари букун янграсин!
Қадим пойтахтимиз, Киев куйлагин,
Баҳор сувларидай жўш ургин бу он!
Биз ога руслар-ла учюз йил бурун
Абадий дўстлашиб, бўлдик қадрдон!

Украинчадан таржима.

СССР халқлари дўстлиги ва қардошлигининг буюк тантанаси

Совет халқи Украинанинг Россия блан қайта қўшилганига 300 йил тўлишини катта тантана блан нишонламоқда. Украинанинг Россия блан қайта қўшилганига 300 йил тўлиши рус, украин халқлари ва Совет Иттифоқидаги барча халқлар ҳаётида катта воқиадир.

* * *

Улуғ рус ва украин халқлари бой, кўп асрли тарихга эгадирлар. Бир вақтлар бу икки улуғ халқнинг ота-боболари бир территорияда яшаб, бир мамлакатни ва бир давлатни ташкил қилар эдилар. IX—XII асрларда мавжуд бўлган Киев давлати ўз даврида энг йирик ва энг кучли давлат ҳисобланар эди. Бу давлат ўз составига шарқий славянларнинг асосий қисмини бирлаштирар эди.

Ижтимоий ва иқтисодий шароитлар натижасида Русь давлатида феодал тарқоқлиги бошланди. Кўпгина мустақил ва ярим мустақил феодал князьликлари пайдо бўлди. Бу князьликлардан Галиц-Волинск князьлиги Русьнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган эди, шу ерда асосан украин халқи ташкил топабошлади. Бу вақтларда шарқи-шимолий Русьдан ажралиб қолган ва парчаланиб кетган украин ерлари Литва, Польша ва Венгрия феодалларининг, султон Туркиясининг ҳамда унинг вассали Қрим хонлигининг чангалига тушиб қолган эди.

Владимир князьлигидан XIII асрда ажралиб чиққан Москва мустақил Москва князьлигининг маркази бўлиб қолди. Москва кейинча рус ерларини бирлаштиришнинг ташаббускори бўлди.

XIII асрда феодал тарқоқлиги жуда кучайиб кетган пайтда Русьга татар-мўғул босқинчилари хужум қилдилар. Улар кўп ерларни вайрон қилдилар ва Россиядаги жуда кўп ишлабчиқариш кучларини қириб ташладилар. Қудратли Русь, мўғулларнинг кучини синдириб ташлаганини туфайли, ғарбий Европа бундай қирғиндан сақланиб қолди. Татар-мўғул босқинчиларига қарши олиб борилган оғир жангларда рус халқларининг бирдамлиги янада мустаҳкамланди.

Украина ерлари узоқ вақтлар давомида ажнабий босқинчилар зулми остида қолди. XVI асрда Литва блан қўшилиш натижасида мустаҳкамланган Польша катта босқинчилик урушларини олиб борди ва Украинанинг катта қисмини босиб олди. Украинанинг оғир аҳволда қолганлигидан фойдаланиб, Қрим ва Туркия хонликлари ҳам ўз босқинчилик хужумларини кучайтирдилар. Украин халқи қиринлиб кетиш хавфи остида қолган эди. Польша панлари украин ерларини босиб олгач, украин халқининг урф-одатларига, маданиятига ва динига қаттиқ хужум қилдилар. Польша феодаллари Украинада жуда оғир крепостнойлик зулмини ўрнатдилар.

Украин халқи ажнабий золимларга қарши курашга отланди. Украин халқининг озодлик кураши XVII асрнинг ўрталарига келиб айниқса кенг тус олди. Украин халқининг поляк шляхталари зулмига қарши олиб борган бу қаҳрамонона кураши Украинани Россия блан қайта қўшиш учун кураши блан бирга қўшиб олиб борилди. Украин халқи қардош рус халқи блан бирлашишга доимо интилиб келди. Украин халқининг 1648 — 1654 йиллардаги озодлик урушига отоқли давлат арбоби ва саркарда Богдан Хмельницкий бошчилик қилди. Богдан Хмельницкий бутун ҳаётини икки асосий вазифани, я'ни Украинани ажнабийлар зулмидан озод қилиш ва Украинани Россия блан қайта қўшиш вазифасини ҳал қилишга бағишлади.

Украинани ажнабий босқинчилар зулмидан озод қилиш учун ва Украинани Россия блан қайта қўшиш учун бошланган бу умумхалқ кураши машҳур Переяслав Радасига олиб келди. Переяслав Радаси 1654 йил 8 (18) январьда Украинани Россия блан қайта қўшиш ҳақида қарор қабул қилди.

Шу вақтдан бошлаб украин халқи қондош рус халқи блан ўз тақдирини абадий қўшди ва шу йўл блан ўзини миллат сифатида сақлаб қолди. Украинанинг Россия блан қайта қўшилиши украин халқининг кўпйиллик кураши натижаси бўлиб, бу нарса Украина ва Россиянинг кенг халқ оммаси манфаатларига мосдир.

Украинанинг Россия блан қайта қўшилиши украин халқи ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлди. Украин халқи рус халқидек қудратли иттифоқчига ва ўзининг ишончли ҳимоячисига эга бўлди. Шундан кейин рус ва украин халқлари ўртасидаги алоқа янада мустаҳкамланди.

Ягона давлатга бирлашган украин ва рус халқлари барча ажнабий душманларга, чор ҳукуматининг реакцион сиёсатига, рус ва украин феодалларига, капиталистик муносабатлар ривожланган даврда эса рус ва украин буржуазиясига қарши биргаликда кураш олиб бордилар.

XVIII асрда чор ҳукумати Украинадаги гетманликни тугатишга ва Россиядаги давлат муассасаларини Украинада ҳам барпо қилишга муваффак бўлди.

Улуғ рус халқининг энг яхши фарзандлари Украинанинг миллий мустақил бўлиш ҳуқуқига эга эканлигини э'тироф қилдилар ва Украинанинг илғор арбоблари блан биргаликда миллий мустамлака зулмига қарши кураш олиб бордилар.

Россияда капитализмнинг ривожланиши натижасида дун'ёда энг революцион синф бўлган рус пролетариати вужудга келди. Тарих майдонида қудратли Россия пролетариати ва унинг шонли партиясининг пайдо бўлиши рус, украин ва Россиядаги бошқа барча халқлар тарихининг бундан кейинги ривожланишида ҳал қилучи роль ўйнади.

1917 йил октябрьда оламшумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган воқиа юз берди. Коммунистик партия раҳбарлигидаги ишчилар синфи меҳнаткаш деҳқонлар блан биргаликда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасига эришдилар. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ижтимоий ва миллий зулмни тугатди ва мамлакатимизнинг кўпмиллионли халқларига озодлик ва бахт келтирди.

Совет Иттифоқининг оламшумул-тарихий ғалабалари ва Коммунистик партиянинг доно миллий сиёсати туфайли бутун Украин ерлари Украина ССР составига қайта қўшилди. 1939 йилда Ғарбий Украина Совет Украинаси блан қайта қўшилди, 1940 йилда Буковина ва Измаил области Украина ССР блан қайта қўшилди, 1945 йилда эса Закарпат Украинаси Украина ССР блан қайта қўшилди. 1954 йил 26 апрельда СССР Олий Совети тўртинчи чақириқ биринчи сессияси СССР Олий Совети Президиумининг Қрим областини РСФСР составидан Украина составига ўтказиш ҳақидаги Фармонини тасдиқлади. Барча украин ерлари қайта қўшилганидан кейин Совет Украинаси Европанинг энг йирик давлатларидан бири бўлиб қолди. Украина ССР суверен социалистик давлат бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти а'зоси сифатида халқаро миқёсда актив қатнашмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик-революцияси ғалаба қозонгандан ва социалистик ишлабчиқариш муносабатлари ўрнатилгандан кейин мамлакатимизда янги социалистик миллатлар ташкил топабошладилар. Рус ва украин социалистик миллатлари вужудга келгач, бу халқлар ўртасидаги дўстлик сифат жиҳатидан янги ва янада юқори босқичга кўтарилди.

СССР составига кирган украин халқи иқтисодий, сиёсий ва миллий маданият соҳасида катта ғалабаларга эришди. Украина Совет Социалистик республикаси СССР республикалари ўртасида энг илғор республикалардан бирига айланди. Совет ҳокимияти йилларида «Запорожсталь», «Азовсталь», Харьков трактор заводи, Крамоторск машинасозлик заводи, Ленин номидаги Днепр гидроэлектростанцияси каби юзларча йирик корхоналар ишга туширилди.

Урушгача бўлган социалистик бешйилликлар даврида Украина саноатининг ялпи маҳсулоти 1913 йилга нисбатан 11 марта, машинасозлик саноати 50 марта, металл ишлаш саноати 34 марта ортиб кетди. 1940 йилда Украина мамлакатимизда қазиб олинадиган кўмирнинг ярмидан кўпроғини, темир рудасининг ярмини берди.

Социалистик бешйилликлар даврида Украина ўз индустриясининг ривожланиши натижасида буржуа мамлакатлари бўлган Франция, Италия ва бошқаларни орқада қолдириб кетди.

Украин халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида ўз қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайтадан қуриб олди. Йирик механизациялашган колхоз ва совхоз ишлабчиқаришларини вужудга келтирди.

Колхоз тузуми украин деҳқонларининг фаровон ҳаётини та'минлади. Социалистик хўжаликнинг юксалиши блан бир қаторда украин халқининг маданияти ҳам гуллаб-яшнади. Урушдан илгариги йиллардаёқ Украинада 166 олий ўқув юртлари бўлиб, буларда 127.654 студент та'лим олган эди. Совет ҳокимияти йилларида Украина ССР Фанлар академияси та'сис этилди.

Совет ҳокимияти йилларида талантли украин ёзувчилари ва шоирлари етишиб чиқдилар. Улар совет адабиётини ўзларининг ажойиб асарлари блан бойитдилар. А. Корнейчук, П. Тичина, М. Бажан, М. Рильский, А. Малишко, О. Гончарларнинг асарлари кўпгина СССР халқлари тилларига ва Европа ҳамда Осиёдаги кўп халқларнинг тилларига таржима қилингандир. Совет ҳокимияти йилларида украин халқи биринчи даражали театрларни вужудга келтирди.

1941 йилда Германиянинг Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужум қилиши натижасида совет кишиларининг тинч ижодий турмуши бузилди. Гитлерчи босқинчилар урушнинг дастлабки кунларида Украинани оккупация қилган эдилар. Немис-фашист босқинчилари Совет Украинасини ер блан яксон қилиб ташлашга уриндилар.

Украин халқи босқинчиларга бўйсунмади. СССР халқларининг ҳақиқий курашига раҳбарлик қилган рус халқи блан биргаликда украин халқи ҳам Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун Коммунистик партия бошчилигида қаҳрамонона кураш олиб борди. Душман орқасида мингларча партизанлар босқинчилар армиясига қарши қаҳрамонона кураш олиб бордилар. Партия ва ҳукуматимиз украин халқининг немис босқинчиларга қарши олиб борган курашида кўрсатган қаҳрамонлигига юқ та баҳо берди. Украин халқининг 2 миллиона яқин энг жасур фарзандлари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони олдилар.

Совет Армияси немис-фашист босқинчиларини тор-мор келтирди ва украин халқининг озодлиги ва мустақиллигини та'минлади. Украинани фашист босқинчиларидан озод қилишда улуғ рус халқининг ва Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг жасур фарзандлари жуда ҳиссиз қўшдилар. Украин ва рус халқлари ҳамда буюк социалистик Ватанимиздаги барча халқлар ўртасидаги узилмас дўстлик украин халқини фашистлар асоратидан сақлаб қолди.

Немис босқинчилари Украинга хўжалигига ва украин совет маданиятига жуда катта зарар келтирдилар. Агар Украинада совет тузуми бўлмаганда эди, украин халқи ўз хўжалигини тиклайолмас эди. Украина Совет Иттифоқи составига бўлгани туфайли улуғ рус халқи ва Совет Иттифоқидаги барча халқлар биродарларча берган ёрдамига суяниб, жуда қисқа вақт ичида уруш натижасида вужудга келган вайронликни тугатди. Ҳозирги вақтда Украина ССР саноати қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражаси урушдан илгариги даражадан анча ўсиб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва февраль-март Пленумлари ва қарорларидан илҳомланган украин меҳнаткашлари яқин икки йил ичида озиқ-овқат ва саноат моллари мўл-қўллигини вужудга келтириш учун ўз муносибларини қўшадилар.

Совет Украинаси меҳнаткашларининг буюк ғалабаларга эришишида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси асосий роль ўйнади. Коммунистик партия Совет Иттифоқи халқларини илҳомлантиручи ва уюштиручи буюк кучдир. Коммунистик партия халқлар ўртасидаги қардошларча дўстликнинг ижодкоридир. Совет халқи Украинанинг Россия блан қайта қўшилганига 300 йил тўлишини байрам қилар экан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси атрофига янада маҳкамроқ жипслашганини намойиш қилади.

Ш. УРАЗАЕВ
Юридик фанлари кандидати.

300 ЙИЛ

Биз билан абадий биргамиз — 1954

Халқлар иродаси

Ҳамид ҒУЛОМ.

Шу йил 18 январьда, я'ни Украина Россия блан қайта қўшилган тарихий воқиага роппа-роса 300 йил тўлган кунда, Переяслав-Хмельницкий районининг марказидаги янги клубда бўлган адабий кеча ҳамон эсимда. Ўша кечада Богдан авлодларидан бири — Хмельницкий районли пионер Игорь Грицко украин ёзучиси Натан Рибакнинг «Переяслав Радаси» номли романидан парча ўқиб берди.

«— Рус ери бизга қадрдон ер, — деб такрорлади Богдан сўзларини Игорь, — биз биродарларимиз бўлмиш рус кишилари блан елкама-елка туриб, бу ерни кўп марта ҳимоя қилганмиз. Рус биродарларимиз бизнинг ёвуз ва манфур душманлар томонидан таҳқир этилишимизга, озор чекишимизга ҳеч-қачон йўл қўймайдилар...»

Кечага йиғилганлар «руслар ва украинлар, белоруслар ва ўзбеклар, латишлар ва грузинлар улуғ саркарда Богдан Хмельницкийнинг бундан уч аср илгари айтган шу сўзларини ҳаяжонланиб, чексиз завқланиб тингладилар. Чунки, бу сўзларда украин халқи блан бирга, Россияда яшовчи барча халқларнинг хоҳиш-иродаси, асрий орзу-истаги ифодаланган эди.

Энг заковатли ва одил, энг иste'додли ва комил, энг чидамли ва олижаноб, энг қудратли ва инсонпарвар катта оғамиз — рус халқи юз йиллар давомида ўз биродарларига—поёнсиз мамлакатимиздаги барча халқлар ва миллатларга ёрдам ва мадад, меҳр ва илтифот кўргазиб келди.

Ўзбек халқининг ҳам рус халқига муҳаббати ўзининг узоқ тарихига эга. Шимолда, ғоят кенг территорияда, ўнлаб дар'ёлар, хилма-хил ўрмонлар, қанчадан-қанча тоғлар, ям-яшил водилар блан безанган катта мамлакатда рус деган ажойиб халқ яшашини ўзбек халқи ўзининг илғор фикрли сайёҳ-олимлари, тарихчилари орқали аллақачонлар билиб олган эди. Хонлар, амирлар, беклар, феодаллар ва хурофот аҳилларининг беҳад зулми остида эзилган, энг оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум этилган, бунинг устига-устак, хонзода ва бекзоларнинг тахт талашиб сон-саноқсиз ўзаро уруш қилишларидан безган, пичоқ суягига бориб етган меҳнаткаш халқ эрк ва бахтга, тинчлик ва мустақилликка жуда ҳам муҳтож эди. У ўзига мададкор, суянчиқ, дўст излар эди. Арабистоннинг қовжироқ саҳросидан қилич кўтариб ажал ва қоронғулик олиб келган реакцион хурофот аҳлининг рус халқи ғайри-дин деб қўрқитишига, қамчинидан қон томган маҳаллий золимларнинг шафқатсиз таҳдиди ва зулмига қарамай, ўзбек халқи рус халқи блан дўст бўлишга, унинг мадади ва меҳрибонлигига суянишга интилди.

Тарих ҳақиқати гувоҳ: XVI асрдаёқ бирнеча минг ўзбек меҳнаткаш деҳқонлар ва ҳунармандлар ҳуқуқсизлик, зулм, қон тўкиш ва адолатсизликдан тўйиб, шимолга — Россияга, Сибирьга кўчиб кетганлар. Уларни руслар ўз биродарларидек самимий кутиб олганлар. Гарчанд ҳар икки халқнинг тили, урф-одати турлича бўлса ҳам, улар бир-бирларини тушунганлар. Рус халқи украинларга, белоруслларга, грузинларга ва бошқа миллат меҳнаткашларига нақадар меҳрибонлик қилган бўлса, ўзбекларга ҳам шу қадар меҳрибонлик қилган. Ўзбеклар у ерда деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандлик блан шуғулланганлар...

Отоқли демократ шоирларимиз Фурқат, Муқимий, Завқийларнинг рус халқи, илғор рус ма'рифати, фани ва мактаби тўғрисида фахрланиб ше'рлар ёзганликлари бечиз эмас.

Ўзбекистон Россияга қўшилиши блан бу ерда ишлабчиқариш кучларининг ривожланиши учун имкониятлар яратилди. Пржевальский, Федченко каби рус олим-сайёҳлар ўлкамизнинг битмас-туганмас табиий бойликларини очишда ёрдам бердилар. Рус врачлари келиши блан вабо, терлама, безгак ва бошқа машаққатли офатларга қаттиқ зарба берилабошланди. Руслар келиши блан, бизга илғор рус маданияти кириб келди. Энг муҳими шуки, руслар келиши блан, халқимиз орасига революцион марксистик фикр кириб келди. Ўзбек ишчилар синфи энди туғилиб майдонга чиқаётган вақтдаёқ ўзининг қудратли мададкорига — рус пролетариатига суянди, унинг содиқ, муносиб шогирди бўлди.

Россияда пролетар интернационализмининг шонли байроғи остида ғалаба қилган Улуғ Октябрь мамлакатдаги барча халқлар каби, ўзбек халқининг тарихий тақдирида ҳам беқиёс оламшумул аҳамиятга эга бўлди.

Коммунистик партия, гениал Ленин Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Совет давлати қуриш ҳамда ички ва ташқи душманларнинг ёвуз ҳамласини бостириб, ўзбек халқини чинакам абадий озодликка олиб чиқишда ёрдам бериш учун Россиянинг отоқли арбобларини — М. В. Фрунзени, В. В. Куйбишевни, М. И. Калининни ва Л. М. Кагановични юбордилар.

Бепоён Россиядаги барча халқларнинг, шу жумладан ўзбек халқининг асрий орзу-тилаклари, хоҳиш-иродаси рўёбга чиқарилди. Рус халқи бошчилигида совет халқларининг қардошлик оиласи тузилди. Бугун биз ана шу оиладаги икки буюк халқ — рус ва украин халқларининг тарихий қайта қўшилиш — бирлашиш байрамини чексиз қувонч блан нишонлар эканмиз, она-Ватанимиз картасига, социалистик мамлакатимизнинг кўрки-латофатига фахрланиб, ҳаяжонланиб назар ташлаймиз.

Ҳаммаерда озод, фаровон, саодатли ҳаёт гуркираб яшнайди. Ҳаммаерда коммунистик қурилишнинг яратучи, ижодий меҳнати қайнайди. Янги шаҳарлар, завод ва фабрикалар қад кўтаради. Миллион-миллион гектар бўз ва қўриқ ерлар ўрнида янги конлар очилиб, янги қурилган мактабларга бахтли болаларнмиз кўкламги тошқин дар'ёлардек оқиб кирадилар...

Шу кунларда Киевнинг марказий кўчаси — Крещчатик айниқса гавжум. Бу ерга ,украин халқининг миллий тўйига барча қардош халқларнинг вакиллари меҳмон бўлиб келганлар. Яшил каштанлар, оққайинлар, чинорлар блан қопланган гўзал шаҳар кўчасида руслар ва украинлар блан бир қаторда белоруслар ва ўзбекларни, грузинлар блан туркманларни, латишлар ва арманларни, қозоқлар ва молдаванларни... кўриш мумкин. Улар бу байрамни ўз байрамларидек, ўзларининг социализм чаманидаги камолот тўйларидек билиб, нишонламоқдалар.

Ўттизетти йиллик биргаликдаги ҳаёт, чин биродарлик, ҳамкорлик уларни қадрдонлаштириб юборган. Шу давр ичида чиниққан, айниқса Улуғ Ватан уруши йилларида асл фарзандларимизнинг қони блан мустаҳкамланган абадий дўстлигимизни шу қардошлик байрами кунларида бутун жаҳон олдида яна бир марта намойиш қилмоқдамиз.

Букунги байрам — ана шу мангу ғўзал ва мустаҳкам дўстликнинг қадрига етганларнинг байрами, халқларнинг дўстлик йўлидаги иродаси қозонган ғалабасининг байрами!

Бу буюк дўстлик ер юзи халқларининг умид ва бахти йўлида сўнмас машъалдек нур сочиб турипти.

Ана шу халқлар дўстлиги идеологиясининг ижодчиси — шонли Коммунистик партиямизга шон-шарафлар бўлсин!

Улуғ оғамиз — азамат рус халқига шон-шарафлар бўлсин!

Қардош Украина колхозчилари Ўзбекистон пахта далаларида.

Украин ёзучиларининг асарлари ўзбек тилида

Ф. ЮНУСОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат нашриётининг директори.

Совет ҳокимияти йилларида Украина маданияти, адабиёти ва сан'ати мисли кўрилмаган даражада ривожланди ва катта ютуқлари қўлга киритди.

Украина ёзучилари, рассомлари ва композиторларининг асарлари Украинадагина эмас, қардош республикаларда ҳам, шунингдек чет мамлакатларда ҳам севилиб ўқилмоқда.

Украина ёзучиларининг асарларига бўлган қизиқиш Ўзбекистон меҳнаткашлари орасида ҳам кучли. Республикамиз ишчилари, пахтакорлари, интеллигентлари, студентлари ва мактаб ўқучилари украинча китобларни севиб ўқийдилар ва улар орқали гуллаётган Украинанинг хўжалик ва маданий ҳаёти блан танишадилар, коммунизм қуриш ишига катта ҳисса қўшаётган украин меҳнаткашларининг қаҳрамонликларини биладилар.

Рус ва украин адабиёти Ўзбекистон меҳнаткашларини тарбиялаш, маданий савияларини оширишда катта роль ўйнамоқда, Ўзбекистон ёзучилари ижодига ижобий та'сир кўрсатмоқда. Украин адабиётини Ўзбекистон меҳнаткашлари орасида кенг ёйиш мақсадида Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти украин ёзучиларининг асарларидан бирқанчасини ўзбек тилида босиб чиқарди.

1948 йилда босилиб чиққан партизанлар қўшилмасининг отоқли раҳбари, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Ковпакнинг китоби ўзбек китобхонларининг севимли асари бўлиб қолди. Ўздавнашр 1951 йилда Сталин мукофоти лауреати Олесь Гончарнинг «Байроқдорлар» трилогиясини босиб чиқарди. Шунингдек, Сталин мукофоти лауреати Вадим Собконинг «Тинчлик гарови» романи ҳам ўзбек китобхонларнинг севимли асарига айланди.

Бу йил айниқса украин ёзучиларининг асарлари кўпроқ нашр этилмоқда. Украинанинг 300 йиллик юбилейи муносабати блан Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти ўзбек тилида Т. Г. Шевченконинг «Кўбизчи» тўпламини босиб чиқарди.

Украин совет ёзучиларидан А. Корнейчукнинг «Макар Дубрава», «Калиназор» пьесалари, Ю. Яновскийнинг «Киев ҳикоялари», М. Медведевнинг «Матонатли кишилар» повести, М. Бажаннинг «Ше'рлар» тўплами, Платон Воронькониинг «Сенинг китобчанг», О. Иваненконинг «Турначанинг саёҳати» каби китоблари ўзбек тилида босилиб чиқди.

Юбилей муносабати блан нашриёт Ўзбекистон ёзучиларининг дўстлик темасидаги бирнеча китобларини ҳам босиб чиқарди. Булар орасида «Абадий биргамиз» тўплами, Ҳ. Ғулом ва Ҳ. Ахмаднинг «Буюк оила», совет композиторларининг «Дўстлик қўшиғи» ашулалар тўплами бор.

Бу ижодий ҳамкорлик ўзбек ва украин халқларининг енгилмас дўстлиги ва биродарлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЖОН УКРАИНА

(ҚЎШИҚ)

Эй ҳосилдор бепоён ўлка,
Салом сенга жон Украина!
Бахтинг қулиб, тўлгансан нурга,
Ғаллаларга коп Украина.
Мен пахтакор халқлар номидан
Сенга қизгин салом келтирдим.
Уч юз йиллик тўйинг ша'нига
Пиёламни майга тўлдирдим.
Дил яйрайди байрам тонгида
Мунча гўзал кенг қучоқларинг.
Ингит-қизлар шўх оҳангида,
Янграр шаҳар, боғ, қишлоқларинг.
Партиядир бош йўлбошчимиз
Биз борамиз унинг йўлидан.
Худди сиздек руслар оғамиз
Ушлаганмиз қутлуғ қўлидан.
Тўкин қилар ўзбек уйини,
Сизда битган олтиндек буғдой.
Бирга айтсак дўстлик куйини
Ватан топар равнақ ва чиройи.
Украинлар—қадрдон халқлар
Тингланг, дўстмиз биз ҳам азалий
Бугунги куй, бугунги завқлар
Сизнинг улуғ байрам туфайли.

Анвар БУРИБОЕВ.

Соҳибкорлар ҳамкорлиги

Ризамат МУСАМУҲАМЕДОВ,
Сталин мукофоти лауреати.

Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги юбилейи мамлакатимиздаги барча халқларнинг улуғ байрамидир. Бу, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги аҳралмас ва мустаҳкам дўстлик, ҳамкорликнинг буюк намойишидир.

Мен 58 йилдан бери узумчилик соҳасида меҳнат қилиб келаман.

Ҳукумат менинг хизматларимни юксак баҳолаб орденлар блан мукофотлади, Сталин мукофоти лауреати деган улуғ ва фахрли номга эга бўлдим. Ҳалол меҳнатим туфайли барча халқларга, шу жумладан украин халқига ҳам танилдим. Менинг украинали қардошлар блан бевосита алоқа қилабошлаганимга 20 йилдан кўп бўлди. Украинанинг Жанубий областларида узумчиликнинг тобора ривожлантирилаётганлиги сабабли биз украинали узумчилар блан алоқани янада мустаҳкамладик, улар блан ўз тажрибаларимиз, ютуқларимизни ўртоқлашмоқдамиз. Ўзбекистон узумчилари Украинага тез-тез бориб турадилар, улар бизга келиб турадилар. Билганларимизни ўргатамиз, билмаганларимизни бир-биримиздан ўрганамиз.

Биз 1926 йилдан бошлаб «Фордзон» трактори блан ток қаторларини ишлай бошлаган бўлсак ҳам, лекин буни ҳали унчалик ўзлаштириб олганимиз йўқ эди. Аммо украинали соҳибкорлар биздан ўтиб кетдилар. Улар «ХТЗ» ва «Универсал» тракторлари чиққандан кейин токзор ерларни ишлайдиган ҳархил машиналарни яратдилар. Биз уларнинг тажрибасини ўргандик, ҳозир катта-катта токзорларда ток ўтказишдан бошлаб барча ер ишлари машиналар блан бажарилади.

Иирик узумчилик хўжалиги учун ишком тўғри келмайди. Бағаларни симдан қилиш ҳам ток тупини шакллаш учун, кесиш учун қулай эмас. Мен эски вайнишларни янада такомиллаштириб қайта қурдим. Бу усул механизация учун ҳам, ток тупини парвариш қилиш учун ҳам жуда мувофиқ бўлиб чиқди. Шу муносабат блан ток тупига шакл бериш ва кесишнинг янги методини ишлаб чиқдим. Бу усул ҳаммага ма'қул тушиб, уни ҳозир Украинадаги соҳибкорлар ҳам кенг майдонларда қўлламоқдалар. Бундай усул узум ҳосилини оширишда ҳам катта ёрдам берди.

Мен украинали дўстлардан — олимлар, агрономлар, колхозчилар, студентлардан жуда кўп хатлар олиб тураман. Улар бу хатларида мендан маслаҳатлар сўрайдилар, узумчилик соҳасида саволлар ёзиб юборадилар. Мен албатта уларга ўзимнинг самимий жавоб ва маслаҳатларимни бериб тураман ва бу саволлардан анча нарса ўрганаман. Биз ўзбек халқи СССРдаги барча халқлар блан биргаликда қардош Украинанинг 300 йиллигини байрам қиламиз, улар блан ҳамнафас бўламиз. СССРдаги барча халқлар блан бирга мамлакатимизнинг қудрати, шон-шарафи учун, бутун дун'ёда тинчлик учун, халқлар ўртасида улуғ дўстлик учун фидокорона меҳнат қиламиз.

Дўстлик — бахт севинчлари

ОЧЕРК

Украина блан Россиянинг қайта қўшилганлигига 300 йил тўлиши—халқлар байрамига айланди. Бу улуғ байрамни бепоён мамлакатимиз меҳнаткашлари катта қувонч блан нишонлаштилар. Мен яқинда умумхалқ — қардошлик байрамини нишонлаётган оилалардан бирида бўлдим...

* * *

Тошкентнинг кўкаламзор, кенг, гўзал ва серқатнов Шота Руставели кўчасининг ниҳоятига бориб ўнга бурилсангиз, чаманзор, боғ-боғчалар, узумзорлар блан ясанган жамбулга кириб борасиз. Эртакларда «Жамбул», «Сусанбул» исмлари блан халқ ажойиб манзарали, кўркам, баҳаво, одам кўзини қамаштирадиган қават-қават бинолар, раста-хиёбонлар блан ясанган афсонавий шаҳарларни ҳаёл қиларди. Лекин бизнинг замонда эртаклардаги ҳаёл эмас, ҳақиқат тўғрисида, кишининг орзуси рўёбга чиққани тўғрисида ифтихор блан гапиришга ўрганиб қолганмиз. Жамбул — Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиларининг азамат шаҳарчасига туташган кўчалардан бири. Бу кўчадаги уйлар шаҳримизнинг бошқа кўчалари каби жуда чиройли, баҳаво ва архитектура сан'атининг сўнгги янгиликлари асосида қурилган бўлиб, совет кишисининг дилкаш жойларидан биридир. Кўчадаги данғиллама бинолардан бирига кирар экансиз, кўзингиз ҳовлидаги гўзаррга тушади...

Ҳовли эгасини ё боғбон, ёки гулга ўч киши деб ўйлайсиз. Куз ойлари бошланишида бу ерда ҳовли атрофидаги етиниқираган мевалар, сўридаги ҳусайни узумлардан асал томиб туради, шу кунларда эса супанинг олдидаги гўлзор май ойининг ўзига хос вангор, ложувард, малла, оқ, нимранг — ола, қизил, қўкимтил тусдаги гуллари блан безалган. Дўндиққина, кўгирчоққа ўхшаган беш яшар қизча гўлзор бўсағасида турибо, гуллар, капалаклар ичида севинча ғарқ бўлиб ўйнаяпти. Капалакларнинг ялт-юлт учишлари гулларга ўзгача бир тус берарди. Қизча капалакларнинг гулдан-гулга учишларига шу қадар берилиб кетган эдики, капалаклар эмас, балки қизчанинг ўзи учаяпти деб ўйлайсан, киши...

Қўлидаги гул даста — букетни боғлаб бўларкан, қизнинг бахтиёр болалик ҳаётининг шу дақиқадаги ҳолатидан кўз узмаган Халил Жалиловнинг фикрини унинг умр йўлдоши Анна Андреевна Павленконинг луқмаси бўлди:

— Гулни қайси меҳмонга тайёрладинг, Халилжон?

Халил жавоб қайтарди:

— Яна ўша кишига, Анничка.

— Кўнглимиз бир-а, — деди кулимсираб Анничка.

Халил Жалилов гулни «яна ўша кишига атаганман» деб заводдаги эски старший мастерлардан Павел Иванович Тербуновни эслатди. Шу онда икки ёш новатор ўзларининг якин ўтмишларини, кечирган йўлларини худди ажойиб бир роман ўқиётгандай бирма-бир эсга келтирдилар.

Улуғ Ватан уруши йилларида ёз оқшомларидан бирида бинокор ишчиниг ўғли Халил истараси иссиқ, сочлари қўнғироқ, бўйи ўзига тенг келадиган жажжигина, дилкаш бир қиз блан танишди. Бу қиз Украинанинг Чернигов районидаги Пустинь колхоз қишлоғида яшовчи донгдор колхозчи Андрей Павленконинг қизи эди. Ота фронтда. Унинг қизи Анна эса мудофаа учун хизмат қилаётган заводнинг ҳунар мактаби блан Тошкентга келди.

Халил Жалилов Анна Павленко блан танишган кундан бошлаб, бу икки ёш — тенгдошлар дўст ҳамда ўртоқ тутиндилар. Бу дўстлик Халилни шогирдлик мактабига киришга рағбатлантирди. Социалистик Ватан учун хизмат қилиш ҳарбир совет кишисининг улуғ мақсадидир, бу мақсад ҳар икки ёшнинг ҳам қалбига куч ва ғайрат бағишлади. Завод шогирдлик мактабини тамомловчилар шарафига бағишланган кечага Халил бир даста гул кўтариб келди:

— Гулни кимга атаб олиб келдинг, — деди Анничка, кулимсираб Халилни кутиб олар экан.

— Сенга бersам ҳам бўларди-ю, Лекин сен ўзинг гулсан, Анничка, бошқа кишига тақдим қилсак, — деди Халил.

Анна Павленко қизарди ва уялибгина жавоб қайтарди:

— Павел Ивановича тутсак қандай яхши бўларди, Халилжон.

Анна Павленко ҳам Халил ўйлаган нарсани ўйлаган. Ҳар икки ёшнинг ҳам бирдек тепган юраклари каби фикрлари ҳам, қарашлари ҳам бир нуқтада эди: завод мастерларидан устозлари бўлган Павел Ивановични коллектив номидан табрикладилар. Унга ғамхўрлиги учун раҳмат айтдилар. Миннатдорлик сўзлари ёзилган бир даста гулни тақдим қилиш блан ўз муҳаббатларини ифода қилдилар.

Чиндан ҳам Павел Иванович бошқа шогирдлари каби Халилга ҳам, Аннага ҳам станокни идора қилишни ўргатди. Павел Ивановичнинг ёрдами туфайли Халил ва Анналар уч ва ундан кўп станокни юргизиш маҳоратини биринчи бўлиб республикада намойиш қилдилар. Бу икки тенгдошни Ленин комсомоли сафига қабул қилиб олиш мажлисидан кейин, танаффус чоғларидан бирида дам олаётган уйга Павел Иванович кириб келди. Мастернинг кўзи газета ўқиётган Анна Павленкога тушар экан:

— Ҳа, айтмадимми, — деди Павел Иванович ишчилардан бирига қараб, кулимсираган ҳолда, — Анна Павленко бор жойда Халилни ҳам топиб бўлади. Ишчилар орасида шўх, қийғос кулги кўтарилди. Анна уялганисмон борган сари газетага ёпишди. Халилнинг кўзида севинч ўйнарди...

Одатда Павел Иванович бирор муҳим иш тўғрисида маслаҳатлашмоқчи, фикрлашмоқчи бўлса, сўзини ҳазилдан бошларди. Бу даф'а ҳам одатини тарк этмади.

— Хўш,—деди энди жиддий тус олиб мастер, — бизга бир топшириқ бор: асосий ишлаб чиқарадиган маҳсулотимиздан ташқари, қўшимча равишда шерсть саноати учун ва қишлоқ хўжалик учун янги, мураккаб машина ва детальлар ишлаб беришимиз керак. Сизлар блан маслаҳатлашиб, завод партия комитетига қат'ий сўзимизни айтайлик, — деди-да, сўзининг охирида Павел Иванович янги машина ва детальларнинг технология процесслари ҳақида батафсил тушунтирди.

Бирнеча минут ўзаро фикр олишув давом этди. Анна Павленконинг ёнида ўтирган Халил сўз бошлади:

— Партия яна фаровонликка чақирмоқда. Демак ўн баравар ортиқ ғайрат блан ишга шайланайлик. Топшириқни,— деди Халил сўзининг охирида, — кўшимча маҳсулот бериш ҳисобига бажараоламиз.

Халил Жалиловнинг жавоби Павел Ивановичга ёқиб тушди. Лекин нима учундир ўйлаб қолди. Ўйлашга асос бор эди: янги машиналарни ишлаб чиқариш учун янги станоклар ўрнатиш керак бўлади. Бунга цехнинг ҳозирги майдони — биноси имконият берадими, йўқми? Масаланинг чигал ва қийин томони шу эди. Бу маслаҳатга қадар ба'зи кишилар «янги станокларни ўрнатиш учун цехни кенгайтириш ёки қўшимча майдон — бино қуриш...» тўғрисида таклиф қилган эдилар.

— Бехуда таклиф, — деди Халил Павел Иванович ва Анна Павленколар блан цехга кираётириб, — ўзимиздаги ички имкониятлардан тўла фойдалансак, топшириқни шубҳасиз бажарамиз. Павел Иванович Халилнинг бу ва'дасига қаттиқ ишонди. Халил ҳарбир айтган сўзи устидан чиқадиган йигитлардан эди.

Шу воқиадан кейин бирнеча кун ўтгач, Халил Жалилов ўз таклифларини партия бюросига тақдим қилди. Бюрода, инженерлар, техниклар новатор ишчилар, хўжалик ходимлари Халил таклифини муҳокама қилдилар.

— Халил Жалиловнинг таклифи нечанеча юз минг сўмлаб давлат маблағини тежайди. Халил Жалилов — станок ёнидаги мутахассис инженер, — деб парторг Халил таклифларига жуда юқори баҳо берди. Таклиф қабул қилинди.

Завод ва катта коллектив онла Халил ҳаётини, ижодий талантини барқ уриб яшнатдирди. Одам ўз ҳаётида бир марта бахтга етади дейишади. Йўқ, совет кишиларига фидокорона меҳнат, дўстлик ва бирлик—ҳар куни бахт ва севинч келтиради. Павел Ивановичнинг бошқа бир цехга кўчирилиши муносабати блан ундан бешинчи цехга старший мастер қилиб кимни қўйишни маслаҳат сўрадилар. Павел Иванович Халил Жалиловни старший мастер қилиб қўйишни тавсия қилди. Коллектив бу тавсияни якдиллик блан ма'қуллади. Халил Жалилов — гигант цехнинг старший мастери!.. Бугина эмас, унинг ҳаётида асло унутилмайдиган энг улуғ бахтиёр соат келди: Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига кириш учун ариза берди. Унга комсомол ташкилоти, Павел Ивановичнинг ўзи, новатор ишчилардан Максим Михайлович Давченколар рекомендация бердилар.

Халил Анна Павленко блан бу улуғ бахт-севинчи тўғрисида суҳбатлашиб, партия мажлисидан чиқдилар. Халил ўз ҳаяжонини босиш учунми, ёки ички кечинмаларини ўртоқлашганими, ҳарҳолда ихтиёрсиз фонтан ёнидаги гулзор бўйига борди. Беседкага ўтирди. Баҳор оқшомининг аллаловчи, эркалатучи шаббодаси гулларни елпиб, киши думоғига ажойиб бир муаттар ҳид урар, фонтандан отилиб пастга тушаётган мусаффо сув кумушдек товланиб, гулларнинг ўзига урган акси блан ўйнашгандай силкиниб оқар. Бутун диққат ва зеҳни блан бу манзарани кузатиб турган Халил гулзордаги гулларнинг бирма-бир номини, парвариш, ўстириш қоидаларини Аннага ҳикоя қилгандек, сўзлаб берар эди.

— Гапириб берган эдинг, болалигингда гулга ўч экансан, яхши, — деди Халилга енгил табассум бағишлаб Анна.— Гулни жуда яхши кўрасан.

Халил ўз ҳаётида бирнеча марта Анна блан танҳо, ёлғиз ўтириб суҳбат қилган бўлса ҳам, ҳардоим гул ва гулзор тўғрисида сўз бошларди. Анна юқоридаги сўзидан кейин Халилга қаттиқ тикилиб турди. Унинг тикилиши Халилнинг гуллар тўғрисидаги ҳикоясини бўлди. Қиз бу даф'а Халилга қаттиқ тикилганидан, гўё қандайдир иссиқ бир нур сочгандай, туташ қошлари блан бирнималар сўзлаб бергандай туюлди. Қизнинг қуюқ сочлари истиқболнинг ширин хаёлларидан дарак беручи қалдирғоч қанотидек Халил кўзида ўйнарди. Ниҳоят Халил тортиниб-тортиниб сўзланди.

— Гулни қанча яхши кўрсам ҳам, сендан ортиқ эмас...

У, кейинги сўзни эшитилар-эшитилмас айтди. Кўзлар кўзлар блан тўқнашди. Бирнафаслик сукутнатни Павел Ивановичнинг шарпаси бузди.

— Ана, айтмадимми, — деди Павел Иванович қиз блан йигитга яқинлашар экан, — Анна қаерда бўлса, Халил ҳам ўша ердан топилади.

Павел Ивановичнинг бу ҳазилидан унинг одати бўйича бир муҳим иш блан буларни ишаб келган деб ўйлашди. Чиндан ҳам қиз блан йигитнинг фикрлари тўғри чиқди.

— Сизларга, мастернинг мастерга жуда муҳим бир топшириғи бор, — деди Павел Иванович, дам Аннага, дам Халилга боқаркан.

— Кечирасиз, Павел Иванович, — деди Халил. — Биз ҳамон Сизнинг шогирдингизи ва ўғил-қизингизмиз. Топшириғингизни айтинг.

— Эртага ҳар иккалангизнинг ҳам дам олиш кунларинг, лекин шундай бўлса ҳам жуда муҳим бир топшириқ бераман.

— Жонимиз блан бажарамиз, — деди ҳар иккови баббаравар.

— Топшириқ, — деди жиддий тус олиб Павел Иванович, — завод дирекцияси янги қурилган данғиллама участкалардан бирини сизларга берди. Эрталаб соат ўндан кечикмай ЗАГСдан ўтиб кўчиб боравринглар. Ана шу топшириқ.

Йигит ҳам, қиз ҳам, ер остидан бирбирларига ма'ноли қаради. Павел Ивановичнинг бу «топшириғи» худди кўнгилларида тугиб юрган орзулари эди. Шу чоғда Халил севинчидан Павел Ивановични қучоқлаб ўпқуси келар, ўзининг тортинчоқ характерига далда берган кишига яна бир кулиб турган бахт учун қайси тарзда миннатдорчилик билдиришни билолмас эди.

* * *

Шу кунларнинг ўзиданоқ Халил Жалилов 1954 йилги маҳсулот ишлабчиқариш планини ошириб бажарди. У, заводда ташкил қилинган дўстлик вахтасида турибо, Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигги шарафига пландан ташқари қўшимча маҳсулот бераяпти.

Ҳарбир оила бу қардошликнинг чуқур муҳаббатини ўз ҳаётида тотиб келмоқда. Шулар жумласидан Халил Жалилов — Анна Павленколар бу байрам шарафига ўз уйларида меҳмонларни кутаяптилар.

Халил меҳмонларни кутарди, «ўз болалик одатича» тайёрлаган бир даста гулни «ўша кишига атаганман» деяр экан, Анна Павленко Халилнинг бу сўзларида ўз истагининг ифодасини топди.

— Ўз қулинг блан Анничка, — деди Халил, — бу букетни Павел Ивановичга топширасан. Рус кишиси бор жой — обод бўлади, гуллайди. Рус кишисининг маслаҳат ва тарбияси одамни бахтга олиб келади.

— Албатта, — деди Анна букетни оларкан, — биз ҳаммамиз рус оғаларимиздан миннатдормиз.

Бу вақтда меҳмонлар кириб келишган эдилар...

ТУИҒУН.

«Таштекстильмаш».

300 ЙИЛ

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти Украиннанинг Россияга қайта қўшилишининг 300 йиллиги — умумхалқ байрами шарафига Украина ва Ўзбекистон ёзучиларининг асарларини босиб чиқарди. **Суратда:** Т. Шевченко, А. Корнейчук, М. Бажан, Ю. Яновский, П. Воронько, О. Иваненко ва бошқа ёзучиларнинг нашр этилган асарлари.

В. Салов фотоси.

Сан'ат ходимлари негр артисти Тито Ромалио блан учрашдилар

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги маданият ва истироҳат паркларида, эстрада майдонларида, концерт залларида негр артисти Тито Ромалионинг гастроль концертлари муваффақият блан ўтмоқда. Шаҳар тамошабинлари унинг концертларини қоniқиш блан кўрмоқдалар.

Яқинда Тошкент олимлар уйида шаҳар сан'ат ходимларининг негр ашулачиси Тито Ромалио блан ижодий учрашув кечаси бўлиб ўтди. Кечада Тито Ромалионинг ҳаёт ва ижод йўлини ўртоқ С. Блек қисқа сўзлаб берди.

Тито Ромалио Сан — Катеринода туғилган. 9 ёшда етим қолган Ромалио қатиқ мухтожликда яшаган. Орадан кўп ўтмай Ромалио бир группа немис артистлари блан Европага жўнайди ва таланти цирк артисти бўлиб етишади. 1940 йилда Ромалио Литвага келади. Шу йили Литва совет қўшинлари томонидан озод қилинган эди. Шундан кейин Ромалио СССР граждани бўлиб қолади. Ҳозирги кунда Тито Ромалио Литва давлат филармониясида ишлайди.

Ромалионинг репертуарида совет композиторларининг асарлари ҳам бор. Тито Ромалионинг ўйинлари ўзининг ёқимлилиги, ритмасининг ўткирлиги, ҳаракатларининг ма'нолилиги блан ажралиб туради.

Учрашув кечасида Тито Ромалио бирқанча номерларни бажарди. У «Том тоғанинг кулбаси» асари асосида яратилган «Қулнинг рақси», негр халқ ўйини «Жунгли», негр халқ ашуласи «Ухла менинг онам», «Карнавал», «Самбо» ва бошқаларни ижро этди. Тито Ромалио томонидан рус тилида ижро этилган «Океан орқали» (Тито Ромалио сўзи ва музикаси) ашуласини тамошабинлар яхши кутиб олдилар. Бу ашулада Тито Ромалио Совет Иттифоқида негрнинг бахтли граждан бўлиб қолганини тасвирлайди.

Учрашув кечасида Ўзбекистон давлат эстрадасининг артистлари ҳам қатнашдилар. Кеча кўнгилли ўтди.

Дезинформаторлар тинчимаётирлар

ЖАНВА, 20 май. (**ТАСС махсус мухбири**). Ҳинди-Хитой масаласини муҳокама қилаётган тўққиз делегация ёпиқ мажлислар ўтказаётган шу кунларда ғарб мамлакатлари матбуотининг вакилларидан бўлган ҳархил дезинформаторларнинг активлиги сезиларли даражада кучайди. Улар катта «Матбуот уйи» биносида ва Жанва кенгаши бўлаётган Миллатлар саройининг коридорларида аввалгича тўлиб турмоқдалар.

Совет газетхонлари бу хил дезинформациянинг ба'зи мисолларини биладилар. Бундай дезинформация муайян бир мақсадни кўзда тутади, у ҳам бўлса: Ҳинди-Хитой масаласи юзасидан Ҳинди-Хитой халқларининг миллий ҳуқуқларини таниш асосида келишишга интилаётган делегацияларнинг позициясини бузиб тасвирлашдир, бундай келишувга ҳалақит бераётган кишиларнинг ҳатти-ҳаракатини қандай қилиб бўлса ҳам оқлашга уринишдир.

Кеча тўққиз делегациянинг навбатдаги ёпиқ мажлиси тамом бўлмасданоқ Франциядаги Франс Пресс агентлиги бу мажлисда нималар бўлганлиги ҳақида ўз ривоятини тарқатди. Хабар автори мажлисда Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи Фам Ван Донг сўзга чиққанлигини айтиб, бундай дейди: «Ба'зи ма'лумотларга кўра, Фам Ван Донгнинг нутқи ўзига хос тарихий обзорга бағишланган, бу обзор ижобий ҳечнарса бермаган, чунки Вьетнам делегати ўз плани бирдан-бир муҳим план эканлигини ва фақат шу план дискуссия учун асос қилиб олиниши лозимлигини айтган».

Бу хабарнинг автори ўз ма'лумотларини қайси лойқа манба'ларидан олганлигини айтиш қийин, лекин бир нарса равшан, у ҳам бўлса — жамоатчиликка Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг позицияси яна бир марта қастдан, очиқдан-очиқ бузиб тақдим этилди. 17 майдаги мажлисда ҳамма делегацияларнинг, шу жумладан Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг ҳам совет таклифига, я'ни Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишда Вьетнам Демократик Республикаси делегацияси тақдим этган таклиф ҳам, Франция делегациясининг таклифи ҳам асос қилиб олинсин, деган таклифга қўшилганликлари ма'лум. Франс Пресс информаторининг буни билмаслиги мумкин эмас. Шунингдек совет делегациясининг бошқа таклифи, чунончи Франция проектида ҳам, Вьетнам Демократик Республикаси делегацияси проектида ҳам бўлган таклифлар моддама-модда муҳокама қилинсин; биринчи навбатда ҳарбий масалалар кўриб чиқилсин, чунки бу масалалар ҳар иккала проектда ҳам бор; ва, ниҳоят, бу ҳарбий масалалар кўриб чиқилган вақтда Иденнинг 12 майда сўзлаган нутқида ўртага қўйган масалалари ва СССР делегациясининг 14 майда тақдим этган таклифлари муҳокама қилинсин, деган таклифи ҳам қабул қилинганлиги ма'лум.

Шундай қилиб, Вьетнам Демократик Республикаси (ВДР) делегацияси гўё француз таклифларини муҳокама қилишдан бош тортаётир, деб да'во қилиш — ҳақиқий аҳволни қастдан бузиб кўрсатишдир, холос. Бу уйдирма жамоатчилик фикрининг э'тиборини шу фактдан четга тортишни мақсад қилиб қўйдики, ҳақиқатда худди Франция делегацияси Ҳинди-Хитой проблемасининг снёсий аспектини кўриб чиқишдан бош тортишга ҳархил йўллар блан уринмоқда ва худди Франция делегацияси, шунингдек АҚШ ва бошқа ба'зи мамлакатларнинг делегациялари кенгашнинг нормал равишда боришига ҳалақит бериб, Лаос ва Камбоджа масаласини Вьетнам ҳақидаги масаладан ажратиш ҳақидаги мутлақо асоссиз да'вони ўртага қўйдилар.

Бу ерда та'кидлаб ўтишларича, ғарбий мамлакатларнинг муайян доиралари Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисидаги масала юзасидан ҳар иккала томон учун мақбул асосда келишишдан эмас, балки бундай келишувга турли сохта баҳоналар блан тўсқинлик қилишдан манфаатдор эканликларини кўрсатаётирлар. Жумладан, қуйидаги факт э'тиборни жалб қилмоқда: 17 майда Жанвадаги америка делегацияси Кореядаги яраши қузатиб туриш юзасидан бетараф мамлакатлар вакилларидан иборат қилиб тузилган комиссиянинг швейцарияли ва швецияли а'золарининг 7 майда Кореядаги яраш ҳарбий комиссиясига тақдим этган баёнотини э'лон қилди. АҚШ делегациясининг мазкур баёнот э'лон қилгандан кейин 10 кун ўткач бу баёнот блан айниқса қизиқиб қолганлиги журналистларни тааччубга солди.

Броқ Америка делегациясининг бу баёнот блан нима учун тусатдан қизиқиб қолганлигининг асл сабаблари тезда пайқаб олинди. Снёсий қузатучилар шу фактга э'тиборни жалб қилдиларки, СССР делегацияси 14 майдаги ялпи мажлисда, Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги битимнинг шартларини бажаришда ҳар иккала томонга ёрдам бермоқ учун бетараф мамлакатлар вакилларидан қузатучи комиссия тузилсин, деб таклиф қилганидан кейин АҚШ делегацияси мазкур баёнот ҳақида шовқун-сурон кутариб чиқди. СССР делегацияси бу таклифни тақдим этганида дискуссия вақтида қилинган кўрсатмани, чунончи, ВДР делегациясининг проекти уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги битимнинг амалга оширилиши устидан контроль қилиб туришни Ҳинди-Хитойдаги уч давлатнинг ҳарбирида фақат урушучи томонларнинг вакилларидан иборат аралаш комиссияларгагина топширишни кўзда тутади, деб қилинган мулоҳазани назарга олган эди. СССР делегациясининг таклифи муҳим аҳамиятга эга бўлган контроль ҳақидаги масала юзасидан келишиш йўлида катта қадам бўлди. Кўп газеталар бу таклифга ана шундай деб баҳо берди. Лекин худди ана шу нарса АҚШ делегациясини ташвишга солди, бу делегация келишишга эришиш ҳақида эмас, балки келишув йўлида ғов туғдириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётган бўлса керак. Ана шундан кейин мазкур баёнот шошма-шошарлик блан судраб чиқарилди. Бу баёнот Корея Халқ-Демократик Республикасининг ма'мурлари бетараф мамлакатлар вакилларидан иборат инспекцион группаларнинг фаолиятига гўё тўсқинлик қилганлар деган таассуротни вужудга келтиришни мақсад қилиб қўяди. КХДР делегацияси вакилининг Жанвада 18 майдаги матбуот конференциясида қилган баёнотида ва мазкур бетараф комиссиянинг польшали ва чехословакияли а'золари докладида келтирилган фактлар бу хил да'воларнинг асоссизлигини очиқ-ойдин исботлаб беради.

Шундай қилиб, АҚШ делегациясининг бетараф мамлакатлар комиссиясидаги швейцарияли ва швецияли а'золарининг баёнотини э'лон қилишдан қандай мақсадни кўзда тутганлиги равшан, бу мақсад — Жанва кенгашида Корея масаласининг ҳал этилишини пайсалга солишдан , иборат бўлибгина қолмасдан, шу блан бирга, Ҳинди-Хитой масаласини ҳал этишга салбий та'сир кўрсатишдан, Жанва кенгашида айтилган истакларни назарга олиб тақдим этилган совет таклифининг қабул қилинишига ҳалақит беришдан ҳам иборатдир.

Агар мана бу маневраларни оғир ярадор бўлган асирларни Диен-Биен-Фудан эвакуация қилиш масаласи товарагида уюштирилган хуник найранга қўшсак, я'ни Ҳинди-Хитой масаласини тинч йўл блан ҳал этишга қарши чиқаётган кишилар томонидан уюштирилган хуник найранга қўшсак, у вақтда уларнинг ниятлари очиқ-ойдин билиниб қолади, уларнинг ниятлари Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш ҳақида Жанвада бораётган музокараларни ҳархил йўллар блан пайсалга солиш ва Вашингтон блан Парижда бораётган музокараларни тезлаштиришдир. Бу музокараларнинг қатнашчилари Шарқи-Жанубий Осиёда урушни кенгайтириш йўлларини излаб топиш блан машғулдирлар. Мутлақо равшанки, бу хил иккиёқлама найранг Жанва кенгашидан тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлайдиган қарорлар чиқаришини зориқиб кутаётган миллионмиллион кишиларни ҳақли суратда ғазаблантиради.

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ ҲИНДИСТОННИНГ СОҒЛИКНИ САҚЛАШ МИНИСТРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ПЕКИН, 20 май (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Жанвадан билдиради: кеча Хитой Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай Жанвада бўлган Ҳиндистон соғликни сақлаш министри Амрит Каур хонимни қабул қилди.

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ ИДЕН ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

ПЕКИН, 20 май. (ТАСС). Синьхуа агентлиги мухбирининг Жанвадан берган хабарига қараганда, бугун Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай Англия ташқи ишлар министри Антони Иден ҳузурида бўлгач. Уларнинг суҳбати 1 соат давом этган.

ТИБЕТНИНГ ТИНЧ ЙЎЛ БЛАН ОЗОД ҚИЛИНГАНИГА УЧ ЙИЛ ТЎЛИШИ

ПЕКИН, 20 май. (ТАСС). Тибетнинг тинч йўл блан озод қилинганига 23 майда уч йил тўлади. Бу кун бутун хитой халқининг ҳаётида катта байрамдир. Четэл зулми кишанларидан озод бўлган ва Хитойнинг бирлашган қардош халқлари оиласида маданий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланиш йўлига қадам қўйган тибет халқи учун бу айниқса қувончли кундир.

Пекиннинг ғарбий қисмида турли миллатларнинг Марказий институти бор. Бу институт ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикасининг миллий кадрлар етиштирадиган асосий билим юртидир. Бу институтда Хитойда яшаб турган турли миллатлардан бўлган 869 студент йигит ва қизлар ўртасида 170 дан кўпроқ тибетли ўқимоқда. Улар бу ерга узоқ Тибетнинг, Секан, Юнь-Нань ва Цинхай вилоятларининг турли районларидан келганлар.

Институтда ўқиётган ёшларнинг самарали ўқишлари учун ҳамма шароит яратиб берилган. Институт ҳозиргача 300 дан кўпроқ мутахассис тайёрлаб чиқарди. Институтни тамомлаган тибетлиларнинг биринчи группаси — 113 киши ўтган йилнинг охирида жонажон юртларига жўнаб кетди.

Совет артистларининг концертлари тақиқланганлигига қарши Француз жамоатчилигининг норозиликлари

ПАРИЖ, 20 май. (ТАСС). Совет балет артистларининг концертлари Франция ҳукумати томонидан тақиқланганлиги ҳали ҳам Франция жамоатчилигини ғазаблантирмоқда ва унинг норозилигига сабаб бўлмоқда. «Либерасьон» газетасининг хабар беришича, «Киши ҳуқуқлари иттифоқи»нинг марказий комитети резолюция қабул қилган, резолюцияда бундай дейилади:

«Илгари тузилганлигича биноан «Комеди Франсэз» театри совет ма'мурлари ва тамошабинлари томонидан ғоят зўр хурсандчилик блан кутиб олингандан кейин Франция ҳукумати Москва ва Ленинград балет артистларининг чиқишларини тақиқланглигини назарга олиб;

Маданият арбоблари ва артистларининг алоқалари фақат маданият ва тинчлик ишига хизмат қилиши мумкинлигини э'тиборга олиб.

Бу тақиқлаш жамоатчилик фикрининг ҳамма табақаларини чуқур равишда ҳаяжонга солганини э'тиборга олиб...

Марказий комитет та'кидлайдики, ҳукумат — мантиқ, тушунча ва одаб ҳали ҳам французларнинг фазилатлари эканлигини намойиш қилиб кўрсатадиган фурсатни қўлдан бой берди».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Редакция почтасидан

КЎЧИРМАЧИ РЕДАКТОР

Турсун Қудратов қаердандир «журналист оперативчи бўлиши керак», деган сўзларни эшитди-ю, оёғи куйган товуқдай типирчилаб қолди. «Ахир мен газета редакториман, — ўйлайбошлади ўзича ў, — шундай бўлгач, ходимларимга намуна бўлиб, ташаббус кўрсатишим керак».

Ҳақиқатан ҳам Т. Қудратов «оперативчилик»да янги ташаббус бошлади. У, ўз кабинетига киргач, газета материалларини бирма-бир кўздан кечириб, «илҳомбахш» сўзларни ахтарабошлади. Лекин ҳарқанча уринса ҳам, ҳа деганда сўзга-сўз, жумлага-жумла қовуша қолмади. «Нима ёсам ма'қул бўлар экан?» деб ўйга чўмди у. Ҳатто бир-бирига қовушмаган бирнеча сатрларни ҳам ёзиб кўрди. Кейин бирор натижа чиқараолмагач, «Социалистик Бекобод» газетасининг подшивкасини титкилайкетди. Ниҳоят, редакция корректори Х. Омонбоев ва Р. Борисов ўртоқларнинг шу йил 15 апрельда босилган «Социалистик мусобақа авж олмоқда» сарлавҳали подвал мақоласи унинг «дидига» мос келиб қолди. Урокда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир редактор дангал қалам тебратиб юборди. Қоғоз бетини қора қилиб мақолани кўчирар экан, ундаги айрим сўзлар Қудратовнинг дидига мос келмади. — «Тежаш», деб ёзипти, шу ҳам гап бўлдими, — у тутоқиб кетди, — «эконом» дейиш керак эди. Мана бу ерда бўлса, «квадрат метр» эмиш, «квадратний метр»ку», — гўё у ўзича тўғрилаб ёзабошлади... Хуллас туппа тузук мақоланинг бирнеча сўзини ўзгартиш блан ўзича ижод килган бўлди. Кейин зўр ҳавсала блан бир қалам тортиб юборди-да, икки фамилия ўрнига бир фамилия — «ёзучи Қудратов»ни пайдо қилди.

Қудратов мақолани ўзиники қилгунча озмунча «тер» тўккани йўқ. Ахир бир подвал мақоланинг бир сўзини ҳам тушириб қолдирмай, чиройлик қилиб кўчириб чиқиш осон гапми! Мақола чиройлик конвертга солиниб, бежирим имзо чекилиб, «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакциясига «совға» қилинди.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидек, газета ходимлари ўртасида редакторнинг «ташаббус»ини қўллаб-қувватловчи ва унга эргашучилар ҳам топилиб қолди. Газетанинг мас'ул секретари Қурбон Турдиев ва адабий ходим Х. Каримжоновлар ҳам ўз «асар»ларини каттароқ газеталарда кўриш иштиёқига тушиб қолдилар. Шу мақсадда улар ўз мақолаларини икки нусхадан кўчиртириб, бирини «Социалистик Бекобод» газетасига, иккинчисини эса республика ва область газеталари редакцияларига юбарабошладилар.

Кўп эмас, биргина мисол келтирамиз: «Социалистик Бекобод» газетасининг шу йил 58-нчи сонида босилиб чиққан «Хилково станциясида» сарлавҳали мақоланинг бир нусхасини Қ. Турдиев «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясига юборган ва у хабар шу йил 11 майда худди ўша сарлавҳа остида босилиб чиқди.

«Ҳаётни чуқур ўрганиш керак, телефон орқали олинган фактлар асосида хабар ёзманг, оператив бўлинг, кўчирмачилик қилиш, бировнинг материалларидан фойдаланиш — совет журналистига хос бўлмаган хусусиятдир» каби насиҳатлар блан газета ходимларига ва'з ўқучи Т. Қудратов ва Қ. Турдиевларнинг бундай ножўя ишни қилишга нима мажбур этди экан?

У. ЖОНГИТОВ.

И. СУЛАЙМОНОВ.

ФЕЛЬЕТОН

Тоштрамнинг эркалари

«2-нчи троллейбус қачон тартибга тушади!»

(Йўловчилар шикоятидан)

Кўринг мана, тўхтаб қолган
Троллейбус тизмасин.
Кўринг ана, водительлар



Лақмаси-ю, эзмасин.
Тўйга келган меҳмон каби
Бир вагонга тўпланиб,
Суҳбат қурар, бир-бирларин
Гўё янгидан таниб,
Қиладилар тушга қадар
Ошхўрлиги, чойхўрлик.
Гоҳи шўхлик қўзиб кетса
Бошланади майхўрлик.
Тоқати-тоқ йўловчининг
Ошиб расо фиғони,
Тоштрамнинг адресига
Чиқар гапнинг йўғони.
Ишга шошган пассажирлар
Ночор яёв йўл олар.
Парво қилмас водительлар
Хуши келса, қўзғалар.
Водительнинг кайфи тарақ,
Ба'зан бошлайди пойга.
Парво қилмай ўтиб кетар
Тўхтамасдан кўп жойга.
Тушучилар тушолмайди,
Чиқучилар ҳоли танг.
Машинанинг «мақоми»дан
Кўплар ҳайрон, бош гаранг,
Тоштрамнинг эркалари
Бўлса агар шундай «шўх»,
Бу қиссанинг ҳиссаси шу:
Йўловчига ҳурмат йўқ.

Ўткир РАШИД.

Н. Меламед расмлари.

Ярадор француз ҳарбий асирларини Диен-Биен-Фудан эвакуация қилишга доир

Вьетнам Халқ армияси олий қўмондонлигининг баёноти

ШАНХАЙ, 19 май. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги билдиради:

Кеча Вьетнам халқ армияси олий қўмондонлигининг вакили ярадор ҳарбий асирларни Диен-Биен-Фудан эвакуация қилиш тўғрисидаги дастлабки битим Ҳинди-Хитойдаги француз экспедицион корпуси олий қўмондонлиги томонидан бузилганлиги ҳақида баёнот берди.

Баёнотда, жумладан, бундай дейилади: Диен-Биен-Фу Вьетнам Халқ армияси томонидан озод қилиниши бланок Вьетнам Демократик Республикасининг Жанва кенгашидаги делегацияси президент Хо Ши Миннинг ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг душман ҳарбий асирлари ва ярадорларига нисбатан тутган инсонпарварлик снёсатига амал қилиб, Диен-Биен-Фудаги оғир ярадор бўлган француз ҳарбий асирларини озод қилишга тайёр эканлигини билдирди.

Француз экспедицион корпусининг олий қўмондонлиги таклиф қилишидан илгариёқ Вьетнам Халқ армияси олий қўмондонлиги ташаббус кўрсатиб, Диен-Биен-Фудаги оғир ярадор француз ҳарбий асирларини озод қилишга тайёр эканлигини француз экспедицион корпуси олий қўмондонлигига билдирди.

Бу эса, ҳарбий асирларни ёки ярадорларни айирбошлаш масаласи бўлмай, балки Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг инсонпарварлик снёсатига мувофиқ, ярадорларни биртомонлама озод қилиш масаласидир.

Француз экспедицион корпусининг олий қўмондонлиги ярадор французларни Ханойга эвакуация қилиш шартларини муҳокама этиш учун 13 майда профессор Юар бошчилигида делегация юборди. Француз олий қўмондонлигининг делегацияси Диен-Биен-Фудаги аэродромнинг ҳақиқий аҳволига ва унинг имкониятларига асосланиб, ярадорларни геликоптерларда ва енгил самолётларда эвакуация қилишни таклиф этди. Француз олий қўмондонлиги бу таклифида Диен-Биен-Фу районида 10 километр радиусда, шунингдек Диен-Биен-Фуни Тун-Жиао ва Сон-Ла блан боғловчи 41-нчи тош йўл бўйлаб ўтган ерларни бомбардировка қилишни тўхтатишга вада берди.

14 майда француз делегацияси Диен-Биен-Фута келди ва бу шартлар генерал Наварр номидан генерал Коньи томонидан қабул қилинганлигини билдирди ҳамда таклифларнинг мазмуни ёзилган ва генерал Коньи имзолаган расмий ҳужжатни Вьетнам олий қўмондонлиги делегациясига топширди.

Француз олий қўмондонлиги делегацияси 13 майда Диен-Биен-Фута келган пайтдан бошлабоқ Вьетнам Халқ армияси олий қўмондонлигининг Диен-Биен. Фудаги делегати икки томон ўртасида келишилган шартларга риоя қилди ва 14 майда французлар бирқанча ярадор ҳарбий асирларни тезроқ Ханойга жўнатиш учун Диен-Биен-Фудаги аэродромга жўнатди. Аммо, француз самолётлари 15 майда учиб келмади.

Француз олий қўмондонлиги 16 майда аэродромда кутиб турган ярадорларни эвакуация қилиш учун самолётлар юбориш ўрнига янги делегация юборди. Бу делегация транспорт самолётларининг қўнаолиши учун аэродромнинг ремонт қилинишини ва француз самолётларининг 41-нчи шоссе районида учишига доир ўзгартирилган шартларни кўзда тутган янги таклифларни топширди.

Вьетнам Халқ армиясининг олий қўмондонлиги янги таклифларни ўрганиб турган пайтда француз экспедицион корпусининг олий қўмондонлиги 17 майда дастлабки битимнинг, я'ни ярадорларни эвакуация қилиш тўғрисидаги дастлабки битим бекор қилинганлигини билдирди. Ҳинди-Хитойдаги француз қуролли кучларининг радиостанциясии «Ирондель» юқоридаги баёнотни эшитдирганидан кейин олти соат ўтгач, француз бомбардировкачи самолётлари 18 майга ўтар кечаси ва 18 май эрта блан Сон-Ла — Туан-Жиао районида актив ҳаракат қилди. Ҳолбуки бу пайтда Вьетнам Халқ армияси Диен-Биен-Фудаги француз ярадор ҳарбий асирларини боқмоқда ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда эди.

Вьетнам Халқ армияси олий қўмондонлиги Диен-Биен-Фудаги ярадорларни эвакуация қилиш тўғрисидаги битимнинг француз экспедицион корпуси олий қўмондонлиги томонидан сурбетларча бузилганлигини жаҳон жамоатчилиги олдида фош қилади. Битим шартларининг ана шундай бузилганлиги француз экспедицион корпуси олий қўмондонлигининг ўзи томонидан жанг майдонида ўз ҳолига ташлаб кетилган ярадорларининг тақдирига тегишинча э'тибор бермаётганлигини яна бир марта исбот этади.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, 18 майда француз самолётларининг Сон-Ладан олти километр масофадаги пунктга қилган ҳужуми натижасида француз экспедицион корпусининг ярадорларидан 15 киши ўлди. Вьетнам Халқ армиясининг олий қўмондонлиги шуни билдирадики, француз самолётларининг 41-нчи ва 13-нчи тош йўлга ҳужум қилиши натижасида бирор ажнабий легионер ёки бирор шимолий африкали ўлдирилар ёки яна ярадор қилинар экан, у ҳолда француз экспедицион корпусининг олий қўмондонлиги француз экспедицион корпуси олдида ва француз халқи олдида тўла жавобгар бўлади.

Вьетнам Халқ армиясининг олий қўмондонлиги яна шуни билдирадики, француз олий қўмондонлиги битимни бузаётганлигига қарамай, Вьетнам Халқ армияси президент Хо Ши Миннинг ва Вьетнам Демократик Республикаси Ҳукуматининг ярадорларга ҳамда ҳарбий асирларга нисбатан инсонпарварлик снёсатини амалга оширишни давом этдирмоқда ва ярадорларни Диен-Биен-Фудан тезроқ эвакуация қилиш мақсадида француз олий қўмондонлигининг янги таклифларини ўрганиб чиқишга тайёрдир.

Вьетнам Халқ армиясининг олий қўмондонлиги француз олий қўмондонлигининг илгари икки томон ўртасида келишилган шартларига мувофиқ равишда ярадорларни олиб кетишига рухсат беради, шунингдек француз олий қўмондонлиги томонидан таклиф этилганидек, озиқ-овқат ва дори-дармон келтирилишига рухсат беради.

ПОКИСТОНДА АҲВОЛ

КАРАЧИ, 19 май. (ТАСС). Покистон ҳукумати яқинда Шарқий Покистондаги жут корхоналарида юз берган воқиадан фойдаланиб, прогрессив элементларни қамоққа олиш юзасидан кенг кампания бошлаб юборди. Кеча Карачида полиция 9 кишини қамоққа олди, булар орасида Коммунистик партиянинг Карачи ташкилоти секретари Хасан Нашрий, касаба союз арбоблари Туфаил Аббос ва Муҳаммад Забоир, социалистик партиянинг раҳбарлари Кавиш Ризви ва Лутфулла Нажмий, Бутун Покистон студентлар ташкилоти раисининг ўринбосари Муҳаммад Сарвар ҳам бор.

«Имрўз» газетаси мухбирининг хабар беришича, Шарқий Покистонда «Мусулмон халқ иттифоқи»нинг секретари Хон Гул қамоққа олинган. Шу муносабат блан Покистон снёсий арбобларидан бирқанчаси ма'мурларнинг ҳаракатига қарши чиққан. Покистон социалистик партиясининг кўзга кўринган арбоби Жа'фарий бундай деган: ҳокимият тепасида турган Мусулмон иттифоқи халқни алдаш, Шарқий Покистондаги жут корхоналарида юз берган тартибсизликларни уюштирган империалистик агентларни яшириш ва Шарқий Покистондаги сайловда мағлубиятга учрагандан кейин ҳокимият тепасида қолиш ниятида коммунистларни қоралашга киришди.

«Озод Покистон» партияси Панжоб ташкилотининг раиси Миён Маҳмуд Али Қасурий матбуот учун қилган баёнотида «Озод Покистон» партияси а'золари ва деҳқонлар ташкилотларининг а'золари ўз ташкилотлари блан алоқаларини узмасалар, ма'мурият вакиллари уларни қамоққа олиш блан кўрқитаётганликларини уқтириб ўтди.

Шарқий Покистон «Мусулмон халқ иттифоқи» раиси, Бирлашган фронтнинг раҳбари Мавлона Абдулҳамид Бхасаний Покистон бош министри Муҳаммад Алига телеграмма юборib, унда жут корхоналаридаги воқиа «корхона эгаларининг, ба'зи ҳукумат вакилларининг ва сайловда мағлубиятга учраган. «Мусулмон иттифоқи» а'золарининг тил бириктириши оқибатидир. улар Шарқий Покистондаги Бирлашган фронтни обрўсизлантиришга ва унинг вилоятдаги умумий сайловда эришган муваффақиятини йўққа чиқаришга интилаётирлар» деб кўрсатди.

Бхасаний айтдики, Шарқий Покистон халқи ҳеҳбир кишининг ҳархил антидемократик тадбирлар ва конституцияга хилоф тадбирлар кўришига чидаб тураролмайди.

Француз авиацияси ярадорларни Диен-Биен-Фудан эвакуация қилишга халақит бермоқда

ПАРИЖ, 20 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Хитойдан билдиришига қараганда, француз авиацияси кеча 41-нчи йўлни бомбардировка қилишни давом этдирган. Бу йўл Диен-Биен-Фуни Сон-ла ва Туан-Жиа орқали Ханой блан боғлайди. Хабарларда айтилишича, француз самолётлари 1.000 қадоқли бомбалар ташлаганлар.

АМЕРИКА ТОМОНИ КОРЕЯДА ЯРАШ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ БУЗМОҚДА

ПЕКИН, 20 май (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Кэсондан хабар беради:

1 майдан 18 майгача ўтган 18 кун давомида Американинг ҳарбий самолётлари 15 группа бўлиб, корейс-хитойлар томонининг территорияси устида ҳаво доираларига бостириб кирдилар. Кеча соат 10 дан 30 минут ўтганда америка ҳарбий самолёти яраш бўйича тузилган ҳарбий комиссиядаги корейс-хитой делегациясининг штаби жойлашган Кэсон устида раз. ведка ўтказди. Шу муносабат блан яраш бўйича ҳарбий комиссия секретарьларининг кечаги мажлисида хитой-корейслар томони яраш тўғрисидаги битимнинг америкалилар томонидан бузилганига қарши норозилик билдирди.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бинода) — 22/V да **Юрак сирлари**, 23/V да **Ҳамза**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида) — 23/V да **Полтавали Наталка**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 23/V да **Украиннанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган концерт.** Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

24/V да **Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг концерти.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — **Соррентога қайтиб кел.**

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3, кеч 6-20 ва 8 да янги немис бадиий фильми **Енгилмаслар**, кеч соат 5 да **Илмий-оммабоп фильмлар**, кеч соат 10 да **Парм ибодатхонаси** (2-нчи серия).

СОБИР РОҲИМОВ номли — кундуз **Бой ила хизматчи**, кечқурун **Тош гул.**

«ИСКРА» — кеч соат 7-40 минутгача **Енгилмаслар**, кеч соат 8-20 минутдан Май кечаси.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — **Узоқдаги ёр.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Тайгадаги ҳодиса**, кечқурун **Айбсиз айбдорлар.**

«КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» — **Украина қирларида**, кеч соат 10 да **Ярмаркадаги ҳодиса.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли — **Енгилмаслар.**

СОБИР РАҲИМОВ номли — **Йўлбарс.**

«ИСКРА» — **Сепли тўй.**

«ХИВА» — **Енгилмаслар.**

ТЕЛЬМАН номли — **Рақс ўқитучиси.**

ПУШКИН номли — **Тоғлар орасидаги застава.**

«ВАТАН» **Тинч кунларда.**

«ОКТЯБРЬ» — **У, ватанни ҳимоя қилади.**

«УДАРНИК» — **Васса Железнова.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — **Ака-ука Лю, Рассом Серов, Рассом Паленов.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 155, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, а'лонлар бўлими — 38142.

Р 01744. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1338.